БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 68 (299)

6 АПРЕЛЬ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тиин.

БУГУНГИ СОНДА:

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА (1-нчи бет).

Юксак мукофот (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **А. Менглибоев.** — КПСС январь Пленуми қарорини қандай бажараётирмиз (2-нчи бет).

МАТБУОТ ОБЗОРИ: «Сур'ат» газетасининг тили ҳақида (2-нчи бет).

СССР Ташқи Ишлар Министрлигида (2-нчи бет).

Тошкент шаҳар Советининг сессияси (2-нчи бет).

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ НАЗАРИЯСИНИ УРГАНУЧИЛАРГА ЕРДАМ; **И. Смирнов.** — СССРда социализм қурилиши (2, 3, 4-нчи бетлар).

Барча колхоз ва совхозларда экиш агрегатларининг тўла ва унумли ишлашига эришайлик! Б. Халилов. — Чинозда нега экиш сур'ати паст. **С. Маҳкамов.** — Ўртоқ Ибрай Тошбоев агрегати режа симини икки қатор тортиб, кунига 12 гектар ерга чигит экмоқда (3-нчи бет).

Будапештда Венгрия озодлигининг ўнйиллиги байрам қилинди (4-нчи бет).

Чехословакияда Совет Армиясига монумент очилди (4-нчи бет).

Тошкентда (4-нчи бет).

Колхозларни раҳбар кадрлар блан янада кўпроқ мустаҳкамлайлик

Совет халқи қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин суратда юксалтириш соҳасида Коммунистик партия ишлаб чиққан программани зўр ғайрат блан амалга оширмоқда. 1954 йилда обҳаво шароити мураккаб бўлганига қарамай, мамлакат галлани, пахта, зиғир, гўшт, сут, ёғ ва бошқа хил жуда муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ундан аввалги 1953 йилдагига нисбатан кўпроқ олди. Қишлоқ хўжалигини яқин келгусида янада тезроқ юксалтириш учун зарур шароитлар яратиб берилди.

Партиянинг қарорларига мувофиқ, қишлоқ хўжалигига маблағ чиқариш ҳажми кўпайтирилди, МТС, совхоз ва колхозларнинг техника блан қуролланиши кучайтирилди. Узлуксиз ўсиб бораётган оғир саноат қишлоққа энг янги техникани, минерал ўғитларни ва қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш учун зарур бўлган бошқа моддий-техника воситаларини борган сари кўпроқ юбориш имкониятини беради.

КПСС МК сентябрь Пленуми кўрсатиб ўтган элики, агар қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш яхшиланмаса, қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун яратиб берилаётган моддий-техника шароити кўнгилдагидек натижани бераолмайди. Қишлоқ хўжалигидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш биринчи навбатда МТС, колхоз ва совхозларни тажрибали, синалган, ишни ташкил қилабилган, кишиларни тўғри танлай ва жой-жойига тақсимлаб қўйбилган софдил ва садоқатли раҳбарлар блан мустаҳкамлашга боғлиқдир.

КПСС МК сентябрь Пленумидан кейин ўтган вақт ичида МТСларни малакали кадрлар—директорлар, бош инженерлар, мастерской мудирлари блан мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар қилинди. Эндиликда бу кадрларнинг кўпчилиги махсус олий ма'лумотга эгадир. МТСларда доимий ишчи кадрлари вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда колхозларда бевосита ишлабчиқаришда 120 мингга яқин агроном ва зоотехник ишлаб турипти. Қишлоқ хўжалик мутахассисларини ҳамда партия ва совет раҳбар ходимларини ишга юбориш йўли блан колхоз раислари составини яхшилаш соҳасида бирканча тадбирлар амалга оширилди. Колхозчилар орасидан кўпгина талантли раҳбарлар кўтарилди. Улардан кўпи ўзини омманинг чинакам етакчиси, колхоз экономикасининг ташкилотчиси қилиб танитди.

Броқ, ба'зи колхозларга ҳозирги вақтда ўз олдиларига қўйилаётган катта талабларга жавоб бермайдиган бўш ходимлар ҳали ҳам бошчилик қилаётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Колхозларнинг бир қисми орқада қолиб келаётганлигига даставвал ана шу нарса сабабдир.

КПСС МК январь Пленуми ғоят катта вазифани—яқин беш-олти йил ичида ҳар йили олинадиган ялпи дон маҳсулотинн камида 10 миллиард пудгача етказиш ва асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни икки-икки баравардан зиёд кўпайтириш вазифасини қўйди. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун жамоат хўжалиги ичида яшириниб ётган бой ишлабчиқариш имкониятларидан максимал даражада тўлиқ фойдаланиш зарур.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, колхоз ишига садоқатли бўлган, колхозчиларни жипслаштирабилган ва колектив хўжаликка муваффақиятли раҳбарлик қилаолган қобилиятли кадрлар раҳбарлик қилаётган колхозларда жамоат хўжалиги тез ўсиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Шу блан бирга бунда колхоз ишлабчиқаришининг марказий фигураси бўлган колхоз раиси айниқса муҳим роль ўйнайди. У колхозчиларнинг юксак ишончига сазовор бўлган киши. Колхоз раиси партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун қаттиқ кураш олиб бориши, Совет давлатининг, колхозларнинг ва колхозчиларнинг манфаатларини кўзлаб иш қилиши лозим.

Муболаға қилмасдан айтиш мумкинки, агар ҳарбир колхозга яхши раҳбар бошчилик қилганида эди, бизда қолоқ колхозларнинг сони анча кам бўлар эди ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш вазифаси зўр муваффақият блан ҳал этилар эди. Фактлар шуни кўрсатадики, раис яхши бўлганида ҳарбир колхоз, ҳатто энг қолоқ колхоз ҳам бирикки йил ичида ўз хўжалигини юксалтириши мумкин. Шунга қарамай, колхозларни раҳбар кадрлар блан янада мустаҳкамлаш иши қоníқарсиз бормоқда.

Албатта, қобилиятли ва тажрибали раҳбарларни танлаш вазифасини ҳамма колхозларда ҳам маҳаллий ходимлар ҳисобига бирданига ҳал этиб бўлмайди. Дурust, ҳарбир колхозда бора-бора яхши раис бўлаоладиган кишини танлаш мумкин, лекин бунинг учун анча кўп вақт талаб қилинади. Ҳолбуки, вақт ғанимат, биз маҳсулот етиштиришни қисқа муддат ичида кескин суратда кўпайтиришимиз лозим.

Иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган колхозларни мустаҳкамлаш вазифасини қисқа муддатда ва радикал равишда ҳал этмоқ учун бу колхозларга раҳбар кадрлар блан ёрдам бериш зарур. Бунда юксак малакали кадрларга эга бўлган шаҳарларимиз ва саноат марказларимиз асосий рольни ўйнамоқлари керак.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, совет, хўжалик ходимлари ва инженер-техник ходимлардан, ишчи ва хизматчилардан коллектив хўжаликка раҳбарлик қилишни та'минлайоладиган коммунистлардан, шунингдек партиясизлардан камида 30 минг тажрибали ходимни 1955 йил июль ойигача танлаб олиш ва ихтиёрий равишда уларни колхозларда раҳбарлик ишларига юбориш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Социалистик шаҳар қишлоққа кадрлар блан бирнеча марта ёрдам берди. 1929 йилда, оммавий колхоз ҳаракати кучайиб кетган даврда ана шундай ёрдам берилган эди. Ўша вақтда Партиянинг чақириғига биноан, илғор ишчилардан 25 минг киши қишлоқда ишлаш учун юборилган эди, улар колхоз тузумининг ғалабаси учун курашда ғоят катта роль ўйнадилар. 1933 йилда ҳам шундай қилинган эди. Ўша вақтда МТС сиёсий бўлимлари учун 17 минг киши танлаб олинган эди. Улар колхозларни ташкилий-хўжалик ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш соҳасида катта ишлар қилдилар. Бундан бирнеча йил илгари ҳам шундай қилинган эди. Ўша вақтда майда колхозларнинг йириклашуви малакалироқ раҳбарлик қилишни талаб этди ва қишлоқ хўжалик артельлари раислари вазифасига партия, совет ходимларидан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан ва энг тажрибали практикларидан мингларча киши кўтарилди.

Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш программасини ишлаб чиққан ҳозирги вақтда бизнинг шаҳарларимиз ва саноат марказларимиз колхозларга кадрлар блан катта ёрдам беришлари керак. Улар, қишлоқ учун ўзларининг энг яхши, қобилиятли кишиларини ажратишлари лозим. Бу кишилар ишнинг кўзини билиб, энг муҳим—мас'улиятни ва заруриятни англаб, қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишига ўз кучларини сарфлайдилар.

Колхозларга керакли кадрларни танлаб олиш учун партия ташкилотларидан жиддий ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб бориш талаб қилинади. Колхозларни раҳбар кадрлар блан мустаҳкамлаш масаласини корхона ва муассаса коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилиш, ишчи ва хизматчиларга бу тадбирнинг муҳимлигини ва аҳамиятини кенг тушунтириш зарур. Ҳарбир коммунист ва партиясиз ходим, у корхонанинг оддий ишчисими ёки министрликнинг, идоранинг, илмий-текшириш муассасанинг мас'ул ходимими, барибир, шу нарсани тушуниб олиши лозимки, колхозларни раҳбарлик ишларини ҳарбир саноат корхонасидаги, ҳарбир илмий ёки давлат муассасасидаги иш каби шарафли ва мас'улиятли ишдир.

Шу муносабат блан В. И. Ленининнинг кўрсатмасини эслатиб ўтиш фойдалидир:

«Негаки ҳозир Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг ба'зибир а'золарини ёки коллегия а'золарини ё эса юқори мансабга қўйилган бошқа ўртоқларни ҳатто уезд ва ҳатто волость ишларига кўчирмаймиз? Ахир биз ончалик ҳам «бюрократлашиб», кетганимиз йўқки, бундан «ҳижолат тортсак». Бизда марказий ходимлар орасида бунга жон деб рози бўладиган ўнлаб кишилар топилади. Бутун республика хўжалик қурилиши иши эса бундан анча ютади, ва намунали волость ёхуд намунали уездлар катта роль ўйнабгина қолмай, балки ишни бевосита ҳал қилучи, тарихий роль ўйнаяжаклар».

Ленининнинг бу кўрсатмасининг долилигини кўрсатучи кўпгина мисолларни келтириш мумкин бўлур эди. Мана улардан бири. Урушдан кейин кўп вақт ўтмай Белоруссия ССР, Могилев областидаги иқтисодий жиҳатдан заиф бўлган «Рассвет» колхозининг раиси вазифасига армиядан демобилизация қилинган коммунист К. Орловский келди. У, раҳбарлик қилаётган колхоз қисқа муддат ичида республиканинг энг илғор хўжаликларидан бирига айланди. Колхозининг пул даромади 1954 йилда 8 миллион 300 минг сўмни ташкил қилди. Колхоз КПСС МК январь Пленумининг қарорларини муҳокама қилиб, 1955 йилда пул даромадини 18 миллион сўмгача кўпайтиришга қарор қилди. Эндиликда бу колхоз Белоруссиянинг кўпгина колхозлари учун намунадир.

Иккинчи мисол. Херсон область Геническ районидаги И. В. Сталин номли орденли колхозда «йигирмабешмингчилар» каторида қишлоқ хўжалигига юборилган Г. Литовченко раис бўлиб ишлайди. Ҳозирги вақтда колхозда 10 мингга яқин майинжунли қўй бор. Бу қўйларнинг ҳарбиридан ўрта ҳисобда 4—5 килограммдан майин жун олинмоқда. Колхознинг пул даромади 1954 йилда 4 миллион 400 минг сўмни ташкил қилди. Украинанинг кўп колхозлари бу артельдан колхоз ишлабчиқаришини тўғри олиб боришни ўрганмоқдалар.

Раҳбарлик ишида катта тажриба ортдирган ва колхоз ишлабчиқаришининг резервларидан усталик блан фойталанаётган кўпгина практик колхоз раисларининг ажойиб муваффакиятлари ҳаммага ма'лум. Чувашистон АССРдаги Сталин номли колхознинг раиси С. Коротков, Москва областидаги Молотов номли колхозининг раиси Н. Пузанчиков, Черкасси областидаги «Здобуток Жовтня» колхозининг раиси Ф. Дубковецкий, Москва областидаги Сталин номли колхознинг раиси Ф. Генералов, Кострома областидаги «12-й Октябрь» колхозининг раиси П. Малинина, Киров областидаги «Красний Октябрь» колхозининг раиси П. Прозоров, Одесса областидаги Буденний номли колхознинг раиси М. Посмитний,- Олтой ўлкасидаги Молотов номли колхознинг раиси Ф. Гринько, Тошкент областидаги Каганович номли колхозининг раиси Ҳ. Турсунқулов, Чернигов областидаги «Новий шлях» колхозининг раиси Н. Гармаш ва бошқа кўпгина илғорлар ана шундай колхоз раҳбарлари жумласидандир.

Партия ташкилотлари колхоз раислари вазифасига кишилар танлаш ишини жуда пухталик ва талабчанлик блан ўтказсалар, у вақтда илғор колхоз раисларининг сафлари энг яқин вақт ичида кўпаяди. Лекин бунинг учун ҳақиқатан ҳам энг қобилиятли, ишда ва турмушда намунали, ишончга сазовор бўлган ўртоқларни танлаш керакки, улар учун партия ташкилоти ва ишчи ҳамда хизматчилар коллективи кафил бўлсин ва уларни колхоз раисидек шарафли ҳамда мас'улиятли ишга жавобгарликни тўла равишда сезган ҳолда тавсия қилиш мумкин бўлсин.

Қишлоқ учун кадрлар танлаганда бундан илгари раҳбар ходимларни ва қишлоқ хўжалик мутахассисларини колхоз раиси вазифасига кўтарган вақтда рўй берган хатоларга йўл қўйиш асло мумкин эмас. Ба'зи партия ва совет ташкилотлари бу ишга етарли синалмаган ёки яроқсиз бўлган, корхоналарда керак бўлмаган кишиларни билатуриб тавсия қилдилар. Бундай «ходимлар» колхозларга келгач ёмон ишлаганлари ҳолда, бунинг устига, турмушмаишатда ҳам ярамас ишларни қилдилар. Колхозчилар уларни колхоз раиси вазифасидан бўшатиб жуда тўғри иш қилдилар.

Партия ва ҳукумат колхоз раислари вазифасига юборилаётган кишиларнинг ўз қобилиятлари ва талантларини амалда кўрсатаолишлари учун ҳамма шароитни яратиб бермоқдалар. Уларга илғор колхозларнинг тажрибасини ўзлаштиришда ёрдам кўрсатилади, улар учун зарур моддий-маиший шароит яратиб берилади.

Маҳаллий партия ва совет органларига колхоз раислари қилиб тавсия этиладиган ходимлар учун область марказларида курслар ташкил қилиш вазифаси юклатилди. Улар ана шу курсларда экономика ва ишлабчиқаришни уюштириш масалалари блан танишаоладилар. Танланган ходимлар курсларни тамомлаганларидан кейин илғор колхозларда бригада ва фермаларнинг ишларида бевосита қатнашиб, икки ой тажрибадан ўтадилар.

Қишлоққа ишга юбориладиган ҳарбир киши колхоз раисига кўрсатиладиган юксак ишончга амалда сазовор бўлиши керак. Шуни назарда тутиш керакки, ўзининг бутун ҳаёт йўлида омманинг яхши ташкилотчилари оқанликларини исботлаган ва жамоат хўжалигига раҳбарлик қилаолишлари ҳамда давлат манфаатларига, колхоз ва колхозчиларнинг манфаатларига қаттиқ риоя қилаолишларига колхозчиларда ишонч ҳосил қилган ходимларнигина тажрибадан ўтганларидан кейин колхоз раиси вазифасига кўтариш учун колхозчиларнинг умумий йиғилишига дарҳол тавсия этиладилар.

Колхоз бошлиғи бўлиб олишлари бланок ўз вазифаларини уддалай олишларига колхозчиларда етарли ишонч ҳосил бўлмаган ўртоқларга келганда, уларни колхозчиларнинг умумий йиғилиши узоғи блан олти ойга колхоз раисларининг ўринбосарлари қилиб тасдиқлашлари мумкин. Агар бу ўртоқлар раис ўринбосари вазифасида ўзларини яхши танитсалар, колхозчилар уларни колхоз раиси қилиб сайласалар керак. Агар колхозга юборилган ўртоқ ўзини ишда кўрсатмаса ва колхозчилар уни колхоз раиси қилиб сайлашни мумкин деб топмасалар, у вақтда маҳаллий партия ва совет органлари колхоз раҳбарлигини мустаҳкамлаш учун дарҳол тегишли чоралар кўришлари, эски раиснинг ишида унга ёрдам беришлари ёки колхоз раиси вазифасига лойиқ бўлган кандидатурани танлашлари ва колхозчиларга тавсия қилишлари лозим.

Партия, касаба союз ва комсомол активи, коммунистлар ва партиясизлар қишлоқдаги ишга партия ва халқнинг шарафли топшириғи деб қарайдилар, колхозларда ишлашга бориш ҳақидаги чақириққа партияли ва партиясиз большевиклар партия томонидан ўтказилаётган энг катта, умумдавлат тадбирларига ҳамиша ма'қуллаб жавоб берганларидек бу гал ҳам шундай жавоб берадилар. Бунга шубҳа қилмаса бўлади.

Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари юксак вазифага муносиб бўлган кишиларни танлашда жавобгарликни жуда яхши сезиб иш олиб боришлари лозим. Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари ўзлари юборган ҳарбир киши колхоз раиси бўлгач, ўзини қишлоқда ишлашга юборган коллективнинг ор-номусига муносиб иш кўрган, ленинчи партия а'зоси, совет ишчилари синфининг ва халқ интеллигенциямизнинг вакили деган юксак номни оқлаган тақдирдагина ўз вазифасини бажарган ҳисобланади.

Социализм қуриш учун, мамлакатни индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини колективлаштириш учун, социалистик экономикани юксалтириш учун олиб борилаётган қаҳрамонона курашда ишчилар синфи блан деҳқонлар манфаатларининг бузилмас бирлиги вужудга келди. Социалистик шаҳардаги энг яхши кишиларнинг янги кўп сонли отрядининг қишлоқда ишлашга юборилиши ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг қардошлик иттифоқини янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, социалистик Ватанимизнинг қудратининг ўсишига ёрдам беради.

(«ПРАВДА»нинг 5 апрельдаги бошмақоласи).

ЮКСАК МУКОФОТ

ЛЕНИН ОРДЕНИ ТА'СИС ЭТИЛГАН КУННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БЛАН

Ленин ордени... Улуғ кишининг платинадан ишланган рельеф портрети олтин бошқолар блан ва қизил байроқ блан ўралган. Бу байроқда ҳарбир кишига яқин ва азиз ном — **Ленин** номи ёзилган. Қуйида ўроқ ва болға сурати. Бу сурат ишчилар синфи блан меҳнаткаш деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини, я'ни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва шу партиянинг асосчиси гениал Ленин вужудга келтирган ва мустаҳкамлаган иттифоқни ифода этади. Совет Иттифоқининг олий мукофоти —Ленин орденининг тасвири ана шундай. Ленин ордени бундан 25 йил илгари, 1930 йил 6 апрельда СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг Қарори блан та'сис этилди.

СССР Марказий Ижроия Комитети Президиумининг қарорлари, СССР Олий Совети Президиумининг мукофотлаш тўғрисидаги Фармонлари совет кишиларининг коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган курашининг ёрқин йилномаси, бизнинг мамлакатимизда меҳнат виждон иши, шон-шараф ва қаҳрамонлик иши бўлиб қолганлигини исбот этучи далилдир.

Ватанимизнинг пойтахти меҳнаткашларининг эришган катта муваффақиятлари учун Москва Ленин ордени блан мукофотланди. Бу мукофот 1947 йил 6 сентябрьда, кўпмиллатли Совет Иттифоқининг барча халқлари улуғ шаҳарнинг — янги давр байроқдори, тинчлик ва халқлар дўстлигининг жарчиси бўлган улуғ шаҳарнинг шонли 800 йиллигини нишонлаган кунларда берилган эди. Социалистик революциянинг бешиги Ленинград шаҳри, рус, украин ва белорус халқларининг тарихида катта аҳамиятга эга бўлган қадимги Киев шаҳри, уч юздан ортиқ корхона, илмий-текшириш муассасалари, колхоз, МТС, совхозлар, ҳарбий қисмлар ва жамоат ташкилотлари шу юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси, Украина Совет Социалистик Республикаси, Белоруссия Совет Социалистик Республикаси, Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси, Грузия Совет Социалистик Республикаси, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, Бошқирдистон, Татаристон, Чувашистон, Кабарда, Абхазия Автоном Совет Социалистик Республикаларининг байроқларида Ленин ордени маш'алдек ярқираб турибди. Бу байроқлардаги Ленин ордени ана шу республикалардаги меҳнаткашлар эришган буюк муваффақиятлар белгисидир. Неча минглаб ишлабчиқариш новаторлари, колхоз тузумининг ташаббускорлари, қишлоқ хўжалиги илғорлари, олимлар, жамоат ва давлат арбоблари, врач ва ўқитучилар, ёзучи ва рассомлар, конструктор ва қуруучилар, Совет Армияси ва Флотининг маршалдари, генераллари, адмираллари, офицерлари, солдат ва матрослари ҳам халқ олдида қилган хизматлари учун шу орден блан мукофотландилар.

Совет халқи социалистик қурилишнинг барча этапларида оғир индустрияни ривожлантириш йўлида кўп меҳнат қилди, ўзларининг зўр ҳаракатлари блан мамлакатимизни қудратли индустриал давлатга айлантирган ўзининг энг яхши ўғил ва қизларини орденлар блан ҳар жиҳатдан рағбатлантирди. Биринчи бешйилликлар давридагина 6.600 дан ортиқ киши Ленин ордени блан мукофотланди. 1931 йилда нефть чиқариш бешйиллик планини икки ярим йил ичида бажарган Грозний нефтчилари, шунингдек Москва Электрозаводи биринчи бўлиб ана шу юксак ордення олдилар. Шундан бирқанча вақт ўтгач, Харьков ва Сталинград трактор заводлари қуруучиларига, шундан кейинги йилларда эса, Москвала И. В. Сталин номли, Горькийда В. М. Молотов номли автомобиль заводлари коллективларига, «Сталинуголь» комбинати «Снежнянантрацит» трестига қарашли 9-нчи ва 18-нчи шахталарнинг коллективларига, Москвадаги А. И. Ефремов номли «Красний пролетарий» станкозлик заводининг коллективига, А. А. Жданов номли «Красное Сормово», Серго Оржоникидзе номли «Запорожсталь», С. М. Киров номли «Динамо» заводлари, Уралдаги оғир машинасозлик заводи, Кузнецк ва Магнитогорск-лари И. В. Сталин номли металлургия комбинатлари, «Ростовуголь» комбинати ва бошқа заводларнинг ишчиларига Ленин орденлари топширилди. Ўтган 25 йил мобайнида металлургия, кўмир, нефть саноати ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги, темир йўл ва сув транспортидаги неча минглаб ишчилар, мастерлар, инженерлар, техниклар ва хизматчилар Ленин ордени блан мукофотланди.

Колхоз ишлабчиқаришини ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари учун Москва областидаги «Память Ильича» колхози, Сталино областидаги Сталин номли колхоз, Озарбайжон ССРдаги Клара Цеткин номли колхоз, Ростов областидаги Азов МТСи, Тожикистон ССРдаги Регар МТСи, Молдавия ССРдаги Воронковский МТСи, Одесса областидаги Т. Г. Шевченко номли МТС, шунингдек мамлакатда донги чиққан «Кубань», «Горки II», «Караваево» совхозлари ва бошқа совхозлар юксак мукофот олишга сазовор бўлдилар. Ленин ордени та'сис этилган кундан буён ўтган вақт ичида қишлоқ хўжалигида эришган катта муваффақиятлари учун 16.600 дан ортиқ киши бу орден блан мукофотланди.

«Правда», «Комсомольская правда» газетасининг биринчи саҳифалари Ленин ордени тасвири блан безалган. Энг яхши совет театрлари—Большой театр, Бадиий театр, Малий театр коллективи, Ленин номли СССР Давлат кутубхонаси, Н. Е. Жуковский номли Ҳарбий-ҳаво академияси Ленин орденлидир. Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи икки марта шу юксак орден блан мукофотланди.

Улуғ Ватан урушн йилларида совет жангчиларидан ўн мингга яқин киши жангларда мислсиз жасорат кўрсатганлиги учун ва қарийб беш мингга яқин граждан меҳнат соҳасидаги қаҳрамонлиги учун Ленин ордени блан мукофотланди. Кўпгина ҳарбий қисмларнинг жанг майдонларидаги зафарлари шу орден блан тақдирланди.

РСФСР Олий Совети ва Украина ССР Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияларида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг ва Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, Россия Федерациясига ва Украина ССРга Ленин ордени топширди. Украинанинг Россия блан қайтақўшилишининг 300 йиллигини нишонлаш юзасидан Россия Федерациясн ва Украина ССР Ленин ордени блан мукофотланган эдилар. Мамлакатимизда яшовчи халқларнинг бузилмас қардошлик дўстлиги—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи қудрати ва енгилмаслигининг негизидир. Совет Иттифоқининг олий мукофоти—Ленин ордени блан мукофотланган энг яхши кишиларимиз янада порлоқ истиқбол сари—коммунизм сари бораётган СССР халқлари дўстона оиласининг биринчи сафларида бормоқдалар. (ТАСС).

Ўртоқ Тожиқул Ҳамроев агрегати 110 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экди

Оққўрғон районидаги 2-нчи МТСнинг Охунбобоев номли колхозда хизмат қилаётган механизаторлари янги усулда чигит экишни муваффақиятли ўтказиш учун курашаётирлар. Бу соҳада ўртоқ Тожиқул Ҳамроев агрегати айниқса намуна кўрсатиб ишламоқда. Агрегат а'золари ўз вазифаларини муваффақиятли бажариб, ҳар куни 10—11 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экмоқдалар. Агрегат 5 апрельгача 110 гектар ерга юқори сифатли қилиб квадрат-уялаб чигит экди.

Экиш агрегатининг а'золари — универсалчи Т. Ҳамроев, сеялкачи М. Абдураҳимов, контролёр Т. Хидиров, лебедкачи У. Нишонбоев, сим суручи Т. Эсонбоев, лебедкачи Н. Бойқўзиев ва сим суручи А. Қолдибеков ўртоқлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муддатидан илгари ошириб бажариш учун курашмоқдалар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районлар	Ҳамма экилган ер	Шу жумладан квадрат-уялаб экиш	Бир кунлик ўсиш
Оққўрғон	72,9	62,5	8,2
Юқоричирчиқ	59,3	19,4	7,5
Янгийўл	59,1	29,4	7,1
Ўртачирчиқ	57,0	25,0	6,7
Ўртасарой	55,8	28,7	7,6
Пискент	55,4	43,1	6,2
Ховос	55,1	42,1	6,1
Бекобод	54,3	41,2	5,7
Қуйичирчиқ	52,1	40,9	8,3
Оржоникидзе	47,5	7,4	7,8
Калинин	44,1	2,3	2,9
Гулистон	43,9	25,9	4,9
Сирдар'ё	40,5	16,7	5,7
Верхне-волинск	40,5	4,4	5,3
Оҳангарон	37,8	16,7	6,1
Чиноз	36,4	32,3	5,8
Бўка	36,0	28,0	4,9
Октябрь	31,7	20,3	4,3
Мирзачўл	23,6	7,4	4,7
Область бўйича жам'и	49,1	28,3	6,1

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Сирдар'ё район колхозларида чигитни квадрат-уялаб экишнинг қоníқарсиз бораётганлиги тўғрисида

Сирдар'ё районида чигит экишнинг бориши юзасидан ўтказилган текширишда район партия комитети (секретари Ўрток Каримов), район ижроия комитети (раиси Ўртоқ Раупов), МТСларнинг директорлари ва бош агрономлари (Аҳмедов, Житенев. Народний ва Саидов ўртоқлар), колхоз правлениелари раислари Ўзбекистон КП Марказий Комитети IV пленумининг пахта етиштиришда прогрессив методларни қўлланиш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини та'мин этадиган тадбирларни амалга оширмаганликлари аниқланди.

Районда шу йилнинг 2 апрелигача фақат 281 гектар, я'ни планга нисбатан 5,6 процент ерга чигит квадрат-уялаб экилган. Чигитни квадрат-уялаб экиш учун тайёрланган 48 экиш агрегатидан фақат 31 таси ишлатилмоқда. Агрегатларнинг иш унуми паст—белгиланган норма 50—60 процент бажарилмоқда, холос.

Кўпгина колхозларнинг правлениелари чигитни квадрат-уялаб экишга раҳбарлик қилмаётирлар. «Ҳақиқат» колхозида (раиси Ўртоқ Йўлдошева, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Жумабоев) планда белгиланган 230 гектар ернинг энди 11 гектарига чигит квадрат-уялаб экилган. Чигитни квадрат-уялаб экадиган 4 сеялка ҳалигача ишга солинмаган.

Бу колхозда квадрат-уялаб экиш учун ажратилган ерларга чигит оддий қаторлаб экилмоқда.

«Ленинизм» колхозида (раиси Ўртоқ Тиллаев) ҳам аҳвол шундай. Бу колхозда пландаги 280 гектар ернинг ҳозиргача фақат 25 гектарига чигит квадрат-уялаб экилган.

Экиш агрегатларининг иши жуда ёмон уюштирилган—агрегатларга бириктилган колхозчилар ўз вазифаларини билмайдилар, тракторчи ва сеялкачилар тез-тез алмаштирилиб туради, натижада иш унуми пасайиб кетиб, квадрат-уялаб экиш агрегатларининг кунлик чигит экаётган майдони 1—2 гектардан ошмаётир.

Бир қатор колхозларда чигит экишда агротехника талаблари қўпол равишда бузилмоқда.

Сталин номли ва «Ленинизм» колхозларида қуруқ ва яхши ишланмаган ерларга чигит ивитилмасдан экилмоқда. Табиий, бу ҳол чигитни тўла ундириб олишни та'мин этмайди.

Машина-трактор станцияларининг раҳбарлари (Аҳмедов, Житенев ўртоқлар) экиш агрегатларининг тўхтовсиз ишлашини ва сеялкалардан унумли фойдаланишни та'мин этмаётирлар.

Ўзбекистон КП область комитети қарор қилди:

1. Сирдар'ё район партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раупов, МТС директорлари Аҳмедов ва Житенев ўртоқларнинг чигитни квадрат-уялаб экишни уюштириш ва пахта етиштиришнинг прогрессив методларини жорий этишда қоníқарсиз ишлаётганликлари кўрсатилди.

Сирдар'ё район партия комитети, район ижроия комитети ва МТС директорларига қуйидагиларни бажариш топширилди:

а) Колхозлардаги чигитни квадрат-уялаб экадиган барча сеялкаларни дарҳол ишга солиш тадбирларини кўриш;

б) Чигитни квадрат-уялаб экишда фойдаланилаётган барча агрегатларнинг иши ва чигит экишнинг сифати устидан кундалик контроль ўрнатиш, энг яхши универсалчиларнинг тажрибасидан кенг фойдаланиб, чигитни квадрат-уялаб экиш юзасидан берилган топшириқнинг сўзсиз бажарилишини та'минлаш.

2. Сирдар'ё район партия комитетига «Ҳақиқат» колхозининг раиси ўртоқ Йўлдошева, «Ленинизм» колхозининг раиси ўртоқ Тиллаевларнинг чигитни квадрат-уялаб экиш усулини жорий қилиш соҳасидаги иш фаолиятини райкомнинг бюросида муҳокама қилиш топширилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КПСС Январь Пленуми қарорини қандай бажараётирмиз

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати севикли Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш ва халқимизнинг тобора ўсиб бораётган моддий-маданий эҳтиёжини максимал даражада қондириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари совет кишилари ҳақидаги ғамхўрликнинг янги далилидир. Бизнинг колхозимиз а'золари партиямиз чизиб берган программани муваффақиятли бажариш учун курашиб, чорвачилик хўжалигини кескин равишда юксалтиришга, гўшт, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришга қат'ий қарор бердилар. Бошланғич партия ташкилоти колхозчиларнинг ватанпарварлик ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда, жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учун хўжаликнинг бу муҳим тармоғига раҳбарликни яхшиламоқда.

Биз даставвал колхоз правлениеси билан биргаликда фермаларни кадрлар билан мустаҳкамладик. Қорамолчилик фермасига раҳбарлик қилиш партия а'зоси Турмат Жўлибоевга топширилди, сут маҳсулотларини ҳисобга олиш учун комсомол а'зоси Йўлдош Каримов учётчик қилиб, коммунист Мушарраф Бойсеитова сут соғувчиларга бошлиқ қилиб тайинланди.

Партия ташкилоти молбоқарлар ва чўпонлар ўртасида Пленум қарорлари ва СССР Олий Совети иккинчи сессияси қарорларини кенг пропаганда қилиш учун агитаторлар составини сиёсий ма'лумотли коммунистлар ҳисобига мустаҳкамлади. Ҳозирги вақтда фермаларда агитация ишини партия а'золаридан Нажмиддинов, Ёрматов, Холматов ва бошқа ўртоқлар олиб бормоқдалар.

Фермаларда мунтазам чиқарилаётган «Жанговар варақа»ларда ютуқ ва камчиликлар кенг ёритилмоқда. Яқинда чиқарилган «Жанговар варақа»да энг яхши сут соғувчи комсомол К. Каримова ўз тажрибасини ҳикоя қилиб берди. Бу мақолани ўқигандан кейин сут соғувчи М. Нажмиддинова ва У. Қорабоевалар ҳам сут соғишни анча кўпайтирдилар.

Сут маҳсулотларини кўпайтиришда сигирларни молхонада боқиш жуда катта натижа берди. Партия ташкилоти илғор молхоналарнинг бу соҳадаги тажрибаларини ҳисобга олиб, колхоз правлениеси билан бирликда 50 сигирни молхонада боқишга ўтказди. Агар биз ҳарбир сигирдан ўтган йили ўрта ҳисобда 320 литрдан сут олган бўлсак, бу йил фақат икки ойда ҳарбир сигирдан 360 литрдан сут олинди. Я'ни ҳарбир сигирдан соғиладиган сут миқдори олти марта кўпайди. Бунга биз сигирларни бир жойда ва яхши парвариш қилиш натижасида эришдик.

Партия ташкилоти республика ва область чорвадорлари кенгашларининг материалларини пропаганда қилишга, илғор молбоқар, сигир соғувчи ва чўпонларнинг тажрибаларини кенг ёйишга катта э'тибор бермоқда. Ҳозир колхозимиз чорвадорлари ўртасида чорва моллари яхши парвариш қилиш, чорва маҳсулотларини кўпайтириш юзасидан социалистик мусобақа кенг тус олди. Масалан, энг яхши сут соғувчи К. Каримова, М. Бойсеитова, Н. Султонова ва бошқалар ҳарбир сигирдан бир йилда 2400 литрдан сут соғиш юзасидан мажбурият олдилар. Улар ҳар кечакундузда бир сигирдан ҳозирги 6 литр ўрнига 8 литр сут соғиш ва сигирларнинг бир йилда 300 кун сут беришига эришиш учун курашмоқдалар.

Ма'лумки, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга боғлиқдир. Партия йиғилишида ем-хашак базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш алоҳида муҳокама қилинди. Бу йил бир 1000 тонна силос тайёрлашга қарор қилдик. Шундай қилинганда қуруқ хашакдан ташқари ҳарбир қорамол учун 10 тонна силос босилган бўлади.

Партия ташкилоти моддий ресурслар ва киши қучларидан тўғри фойдаланишда колхоз правлениесига яқиндан ёрдам бермоқда. Биз чорвачиликни комплекс ривожлантириш ва фермалардаги ишларни мумкин қадар кўпроқ механизациялаштиришга а'тибор бермоқдамиз. Янги қурилган молхонада сигирларни суғориш автоматлаштирилади, ем-хашак тайёрлаш ва ташиш механизация ёрдами билан бажарилади, молхоналар электрлаштирилади. Бу ишлар учун 120 минг сўм маблағ ажратилди.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда маккажўхорининг катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади. Биз бу йил 190 гектар ерга маккажўхори экамиз, маккажўхорининг дони ем бўлади, поясидан силос босамиз. Партия ташкилотининг топшириғига мувофиқ агроном Ўртоқ Бадриддинов маккажўхорини парвариш қилиш агротехникаси ҳақида семинар ўтказмоқда. Семинарда 30 колхозчи қатнашмоқда.

Партия ташкилоти жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишга алоҳида э'тибор бериб, бирқанча тадбирларни амалга оширган бўлсада, лекин ҳали бу соҳада жиддий камчиликлар бор. Биз чорвадорлар ўртасида лекция ва доҳладларни кам ўтказаётирмиз, ба'зи агитаторлар суҳбат ўтказишда колхоз ҳаётидан олинган мисоллардан кам фойдаланмоқдалар.

Биз район партия комитетининг Оҳангарон 1-нчи МТСи зонасидаги инструкторлар группаси ёрдами билан бу камчиликларни тугатамиз ва 1955 йилда чорва моллари сонини ва унинг маҳсулдорлигини оширишда янги ғалабаларга эришиш учун курашамиз.

А. МЕНГЛИБОЕВ,
Оҳангарон районидаги Ленин номли колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари.

Ўқитучилар сиёсий билимларини оширмоқдалар

Тошкент область Бекобод районидаги 27-нчи Жданов номли еттийиллик мактабда ўқитучиларнинг сиёсий билимларини ошириш учун КПСС тарихини ўрганиш тўғараги ташкил этилган эди.

Бу тўгаракда коммунист, комсомол ва партиясиз ўқитучилардан 15 киши ўқув йили бошидан актив қатнашиб келмоқдалар. Тўгаракка коммунист ўртоқ А. Зареддинов раҳбарлик қилмоқда.

Пропагандист ўртоқ А. Зареддинов тўгарак машғулотларига доимо пухта тайёргарлик кўриб келади. Пропагандист ҳамда машғулотларга қатнашучи ўқитучилар мактабдаги кўргазмали қурол, карта ва плакатлардан яхши фойдаланмоқдалар.

Ҳозир ўқитучилардан ўртоқ М. Абдурахмонов, А. Абдувосидов, У. Бердиқулов, Т. Ғуломов, Т. Юсупова ва С. Усмонов ўртоқлар ўтилган тема материалларини яхши ўзлаштириб бормоқдалар. Тўгарак машғулотлари йил давомида бирор марта ҳам ўтмай қолгани йўқ.

Пропагандист ўртоқ Зареддинов бу йил КПСС тарихини ўрганиш тўгараги бўйича биринчи йил ўқиш программасини муваффақиятли тугаллаш учун курашмоқда.

Т. УММАТОВ.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

„СУР'АТ" ГАЗЕТАСИНИНГ ТИЛИ ҲАҚИДА

«Сўзлар аниқ, равшан ва оҳангдор бўлса, тил ҳақиқатан ҳам чиройли, кучли ва та'сирли бўлади».
(М. Горький).

Район газеталарининг формати унча катта эмас. Шу сабабли район газетасининг ходимлари материалларни пухта ишлашлари, қисқа жумлаларда чуқур ма'ноларни беравилишлари керак. Газетада босилиши зарур бўлган ҳарбир хабар стилистик жиҳатдан эринмай таҳрир қилиниши, жумланинг таркибий қисмларининг бир-бирига боғланишига алоҳида э'тибор берилиши лозим. Жумларининг мумкин қадар қисқа, ихчам тузилиши айтилмоқчи бўлган фикрнинг газетхонларга тез ҳамда аниқ ва равшан етиб боришини та'минлайди.

Афсуски, **«Сур'ат»** газетасида босилаётган материаллар ҳарбир газета олдига қўйиладиган бу оддий ва асосий талабларга жавоб бераолмайди. Газета ходимлари материалларни хом-хатала ишлайдилар, стилистиканинг оддий талабларига ҳам риоя қилмайдилар. Жумлани ойма-ой, чалкаш иборалардан тузиш натижасида фикрлар ҳаддан ташқари чигаллашиб кетади. Ўйламасдан, жон қойтмасдан ишланган материалларни ўқиган газетхон кўп ҳолларда редакция нима демоқчи эканлигини англайолмайди. Ма'сулиятсизлик шу даражага бориб етадики, ҳатто мақола сарлавҳалари ҳам ўйланмасдан, оғизга нима келса шу қўйилаберади.

Фикримизнинг исботи учун мисоллар келтирамиз. Газетанинг шу йилги 16-нчи сонида босилган Ленин номли колхоз а'золарининг йиллик ҳисобот йиғилиши ҳақидаги мақолани олиб кўрайлик. Мақолага «Колхозчилар ғазабининг тўлқини остида ўтган йиғилиш» деб сарлавҳа қўйилган. Биринчидан сарлавҳа жуда қўпол, иккинчидан эса мантиқан тўғри эмас. Афтидан редакция ходимлари ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтган йиғилиш демоқчи бўлсалар керак.

Йиғилиш ҳақидаги ҳисобот бошдан-оёқ хом-хатала, чалкаш жумлалар билан тўлиб-тошиб ётипти. Мақолани ўқир экансиз, пухта таҳрир қилинмаган, тўмтоқ ва тушинилиши қийин бўлган жумлалар ғашингизни келтиради. Жумладан, газета бундай деб ёзади:

«Колхозчилар колхознинг орқада қолиш сабабларини ғазабли (?), дадиллик билан қаттиқ танқидлар остида очиб ташладилар.» «Мана бундай ғазабли, шикоятлар билан 10 лаб колхозчилар сўзладилар, кўпгина колхоз раҳбарларининг айбларини очиб ташладилар, Згамовнинг раҳбарликка яроқсиз ва колхозчиларга ғамхўрсиз бўлиб қолганини, ҳатто у агротехника, механизациянинг катта ролига тушунмайдиган, орқада қолган киши эканини кўрсатиб бердилар. Броқ колхозчилар Заркент қишлоқ советининг раиси Болта Сафаровнинг Ленин номли колхознинг барча ҳаётига боғланиб келгани ҳолда, йиғилишда бир оғиз ҳам сўз сўзламасдан жимгина, мўмин бўлиб «мўм тишлаб» (?» ўтирганининг сабабини тушунаолмадилар».

Ишбилиқ ўйланмасдан, э'тиборсизлик билан тузилган бу хом, чалкаш жумлаларда нима дейилмоқчи? Бунда жумланинг таркибий қисмлари бир-бири билан боғланмай қолган. Жумларларнинг нотўғри тузилиши туфайли сўзлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бузилган ва оқибатда фикрлар бир-бири билан чувалашиб кетган.

Газетада босилаётган бошқа материаллар ҳам саводсизларча ишланмоқда. «Кекса тажрибакор агроном» сарлавҳали хабарда қўйидагиларни ўқиймиз:

«У 1901 йилда туғилган 54 ёшли аёл бўлса, 1927 йилда Саратов қишлоқ хўжалик институтини тамомлагандан бери Ўзбекистоннинг Тошкент областида 28 йил умрининг ярми даврида агроном бўлиб хизмат қилиб келади ва жамоат ишларида актив қатнашиб келади». Бу ерда сўз таркиби ўзгариб кетган ва натижада фикр ҳам, грамматик ҳолат ҳам бузилган.

Шунингдек: «Сур'ат» газетаси саҳифаларида «тадбирий чоралар», «она моллардан бола олиш» «колхоз ойбори тортилган», «э'тиборсизлик кўрсатмоқда» ва шунга ўхшаш «теша тегмаган» ибораларни ўқиймиз. Кўринib турибдики, редакция ходимлари ҳарбир сўзни ўйлаб, таплаб олиш ва уларни жой-жойига тўғри қўйишга, жумлаларнинг аниқ, силлиқ ва равон бўлишига мутлақо э'тибор бермайдилар. Редактор ўртоқ Ю. Баҳодиров ўзининг партия ва газетхонлар олдидаги ма'сулиятини унитиб қўйган. Редакция ходимлари ўзбек адабий тилининг қоидаларига риоя қилмай, газетхонларга ҳурматсизлик билан қарамоқдалар.

Бу ўринда табиий равишда қуйидаги савол туғилади: Паркент район партия комитетидаги ўртоқлар «Сур'ат» газетасини доимо ўқиб борадиларми, агарда ўқиётган бўлсалар газетадаги материалларнинг ҳаддан ташқари сифатсиз ишланишига қандай қилиб тоқатлари дош берайётган экан?

Ҳарбир газета ходими хабар ёки мақолани ишлаганда ҳамавақт юксак савиядаги, талабчан, маданиятли совет газетхонини кўз ўнгида тутиши керак. У, адабий тилни пухта ўрганиши, унинг сўз бойлигидан усталик билан фойдаланиши, гап тузилиши қоидаларини ўзлаштириб олиши керак. Ҳарбир журналист халқимизнинг «Тилга э'тиборсиз — элга э'тиборсиз» деган гоят чуқур ма'ноли мақолини ҳамавақт ва ҳардоим эсда тутиши керак. Шуни унутмаслик керакки, фикр аниқ ва равшан ифода қилинмаса, унинг кучи кетади, бинобарин газетанинг оммага бўлган та'сирига катта путур етказилади.

Ўзбекистон КП Паркент район комитети (секретари ўртоқ С. Нуриддинов) ўз органи билан жиддий равишда шуғулланиши, газетанинг савиясини кун сайин яхшилаши ва шу асосда унинг район ҳаётидаги ролини оширишга алоҳида э'тибор бериши керак.

Маданият хроникаси

Октябрь район халқ маорифи бўлими район мактабларининг ўқитучилари учун лекторий ташкил қилди. Лекторий ҳар ойда бир марта ишлайди. Бунда район мактабларининг ўқитучилари учун мактаб ва оила, болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш темаларига оид ва марксизм классикларининг айрим асарлари тўғрисида лекциялар ўқилади.

Р. Одилов.

* * *

Сирдар'ё район кутубхонасида меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш яхши уюштирилган. Кутубхонанинг 16575 китобдан иборат фонди ва 1900 дан ошиқ доимий китобхони бор. Бу ерда тез-тез адабий кеча ва китобхонлар конференцияси ўтказиб турилади. Яқинда бўлиб ўтган адабий кечада ёзучи Б. Полевойнинг «Чин инсон ҳақида қисса» повести муҳокама қилинди. Бунга 100 дан ортиқ китобхон қатнашди.

Э. Раҳмонов.

* * *

Мирзачўл район партия комитети томонидан ташкил қилинган агитбригада Сталин номли, «Қизил Юлдуз» ва Хрушчев номли колхозларнинг Кўрпасой яйловидаги чорвачилик фермаларига бориб, чорвадорларга яхши маданий хизмат кўрсатмоқда. Район партия комитетининг пропагандисти ўртоқ Шодмонов КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қарори тўғрисида чорвадорларга мазмунли лекция ўқиди ва уларга кинофильмлар кўрсатилди. Агитбригада машинасидаги кўчма дўкон кенг иste'мол товарлари ва маданий моллар, ҳархил китоблар билан та'минланган.

А. Азимов.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

4 апрельда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқидаги элчиси Ч. Болен жаноблариии қабул қилди ва унга қуйидагиларни айтди:

«Берлиндаги ўрта мактаб 9-нчи синфининг ўн олти яшар ўқучиси Валерий Лисиков 18 мартда мактабдан уйига қайтиб келмади. 22 мартда, я'ни у ғойиб бўлганидан беш кун ўтгачгина Берлиндаги америка секторининг ҳарбий комендanti совет ма'мурларига Валерий Лисиков америка ма'мурларидан ўзига гўё «сиёсий бошпана» берилишини сўраганлигини билдирди.

Ма'лум бўлишича, дарслардан улгураолмаган Валерий Лисиков 18 мартда чорак учун геометриядан икки баҳо олган. Илгари ҳам бетайин характерли бўлган Валерий мактабдан чиқиб кетган ва шаҳардаги америка секторига бориб қолиб, америка ма'мурлари вакиллари томонидан ушлаб олинган.

26 мартда Берлиндаги америка секторида Валерий Лисиковнинг ота-онаси ўз ўғли билан учрашганлар. Учрашиш вақтида АҚШ ҳарбий комендатурасининг хизматчилари ҳам ҳозир бўлганлар. Шу нарса характерлики, мазкур бола номидан ёзилган аризани ана шу учрашиш вақтида очиқдан-очиқ қўрқитилган Валерийнинг ўзи эмас, балки америка амалдори ўқиб берган. Бу амалдор Валерийдан ўз отаонаси олдида ана шу аризани тасдиқлашни талаб этган. Валерий индамаган ва отаонасининг уйига қайтиб бориш ҳақидаги таклифига жавобан уйга қайтишни хоҳлайману, лекин қўрқаман, деган.

Шу нарса э'тиборни жалб этадики, Германиядаги америка ҳарбий ма'мурлари бутун воқиани ўқучи Валерий гўё сиёсий мотивлар билан ўз ота-онасига қайтиб боришни хоҳламаётир деган тарзда тасвирлаб, ана шу ҳодисани қандайдир сиёсий бир ишга айлантиришга уринмоқдалар. Бу ҳолни жиддий бир нарса деб ўйлаш мумкин эмас, албатта. Америка ҳарбий ма'мурларининг ана шундай изоҳлари Валерий Лисиковнинг ота-онасида ҳақли ишончсизлик ва ачиниш ҳамда қаҳр-ғазаб туйғуларини вужудга келтиради.

Ҳозирги вақтда америка ма'мурлари «матбуот конференциялари» ўтказиб ва шу масала юзасидан Бонн, Лондон ва Вашингтон радиоси орқали эшитдиришлар уюштириб, мактаб ўқучиси Валерий Лисиковни қандайдир «сиёсий арбоб»га айлантирмоқдалар. Аммо, америка ма'мурлари бема'ни «сиёсий» мотивларни илгари суриб, ўзларини шармандали аҳволга солиб қўймоқдалар, чунки бундай шароитда тутуриқсиз ўқучи Лисиков тамомила уларнинг ихтиёридадир, улар томонидан очиқдан-очиқ таз'йиқ кўраётган Лисиковнинг ўзи нима қилаётганлигига фаҳми етмайди. Бунинг устига қўлида бирор марка ҳам пул ва яшаш учун бирор манба'га эга бўлмаган Лисиков моддий жиҳатдан ажнабий ма'мурларга тамомила қарамдир.

Германияда совет ма'мурларининг Валерий Лисиковга ўз ота-онасига қайтиш имконини бериш тўғрисида қилган тегишли мурожаатлари шу вақтгача ҳечқандай натижа бермади.

Газеталарнинг билдиришича, Валерий Берлиндан Франк-Фурт-Майнга келтирилган. Матбуотнинг хабарларига қараганда, ўқучи Лисиковни Америка Қўшма Штатларига юбормоқчилар.

Боланинг ота-онаси Совет Ҳукуматига мурожаат қилиб, ўзларининг балоғатга етмаган ўғлининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уни ўз оиласига қайтариш учун зарур чоралар кўришни сўрадилар. Бу, тамомила табиий бир ҳол. Валерий Лисиков билан бўлган бу воқиа совет кишиларини ҳақли суратда ғазаблантираётганлиги билан ҳам ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Совет Ҳукумати Валерий Лисиковни ўз ота-онасига қайтариш мақсадида бу ишга аралашиш зарур эканлигига Америка Қўшма Штатлари Ҳукуматининг э'тиборини жалб этади».

Элчи Болен бу баёнот тўғрисида дарҳол ўз Ҳукуматига хабар беражагини айтди.

Тошкент шаҳар Советининг сессияси

Тўртинчи апрельда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мажлислар залида меҳнаткашлар депутатлари бешинчи чақириқ Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси бўлди. Шаҳар молия бўлимининг мудири депутат А. Н. Назиров «Тошкент шаҳрининг 1955 йилги бюджети ва 1954 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот» деган темада доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар ўтган йили шаҳар хўжалигининг барча тармоқларида бешинчи бешйиллик план топшириқларини амалга ошириш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришилганлигини та'кидладилар. Тошкент саноати давлат планини анча ошириб бажарди, маҳсулотнинг таснифини камайтирди. Шаҳар аҳолиси бир йил мобайнида 44 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой олди. Янги мактаб, магазин, кинотеатр бинолари қурилди. Уй-жой фондини ва маданий-маиший муассаса биноларини капитал ремонт қилиш учун 28 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Шу билан бирга, сессия қатнашчилари бирқанча корхона ва ташкилотлар қониқарсиз ишларганликлари сабаби, бюджетга талайгина маблағ топширмаганликларини кўрсатдилар. Жумладан, «Водоканал» трести, Госбантрест, трамвай-троллейбус трестининг ишлари қаттиқ танқид қилинди. Райпромкомбинатлар, ремонт қурилиш конторалари, шаҳар ва район уй-жой бошқармалари, медицина ва болалар муассасалари, шунингдек шаҳар халқ маориф органларининг ишларида катта-катта камчиликлар борлиги аниқланди.

Депутатлар 1955 йилги бюджет проектини анализ қилиб, бюджетда ажратилган маблағлар халқ хўжалигини янада ривожлантириш, Тошкент меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш соҳасидаги вазифаларнинг бажарилишини та'минлайди, дедилар.

Сессия 1954 йил бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади. Шаҳарнинг 1955 йилги бюджети даромадлар бўйича 351. 362 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 351. 192 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 170 минг сўм ортган ҳолда тасдиқланди. Бюджетдан чиқариладиган маблағларнинг 97 процентги халқ хўжалигига ва социал-маданий тадбирларга сарф қилинади. Уй-жой, маиший қурилиш, шаҳарни обод қилиш, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социалта'минот ишларига кўп маблағ чиқарилади.

Бюджет маблағларининг учдан икки қисмидан кўпроғи шаҳардаги районларнинг бюджетларига ажратилади. Бу чора район ижроия комитетларининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта имкониятларга эга бўлишини та'минлайди, даромадларни ўз вақтида ва тўла ундириб олиш, районларнинг бюджетлари бўйича қилинадиган харажатлар учун ўз вақтида маблағ чиқариш юзасидан район ижроия комитетлари зиммасига катта жавобгарлик юклайди. (ЎзТАГ).

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ НАЗАРИЯСИНИ УРГАНУЧИЛАРГА ЁРДАМ

СССРДА СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИ

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари бундан қариб қирқ йил илгари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида дунёда биринчи бўлиб капиталистлар ва помещиклар ҳокимиятини ағдариб ташладилар, ишчилар билан деҳқонлар ҳокимиятини ўрнатдилар ва социализм қурилишининг илгари синаб кўрилмаган йўлларидан бордилар. Эски дунёга қарши олиб борилган курашда, янги жамиятни вужудга келтиришда халқимиз кўрсатган буюк фидокорликни тарих ҳеҳқачон унутмайди. Ана шу янги жамиятда киши киши томонидан эксплуатация қилинмайди, бу жамиятда миллий зулм, кризислар, ишсизлик ва қашшоқлик йўқ.

СССРда социализм ғалабаси буржуазиянинг ва буржуа идеологларинг, меҳнаткашлар вайрон қилишгагина қодир бўлиб, янги жамиятни қураолмайдилар, деган бема'ни фикрларни абадий кул қилиб кўкка совурди. Буржуа-помещиклик тузумини тугатган революцион халқ бутун дунёё олдида янги жамиятнинг ижодчиси, қурувчиси сифатида намоён бўлди. Бизнинг халқимиз ўз тақдирини қўлга олиб, мамлакатни эксплуататорларсиз муваффақиятли суратда бошқараолажагини, тарихда биринчи социалистик жамиятни қураолажагини исбот этди ва ўттизинчи йилларнинг ўрталарига келганда бу жамиятни қурди.

Эндиликда совет халқи қаҳрамон коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида социалистик жамият қурилишини тугаллаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтишдан иборат буюк вазифани амалга оширмоқда.

СССРДА СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИНИНГ ЛЕНИНЧА ПЛАНИ

Илмий коммунизмга асос қўйган улуғ К. Маркс ва Ф. Энгельс капиталистик жамиятнинг революцион йўл блан коммунистик жамиятга айланиши муқаррар эканлигини биринчи марта асослаб бердилар. Маркс ва Энгельс империализмгача бўлган даврда, я'ни капитализм юксалиб борган ва социалистик революция ишчилар синфининг ҳали бевосита вазифаси бўлмаган бир даврда яшадилар. Шу сабабдан улар келгусидаги жамиятнинг энг умумий белгиларинигина очиб бераолдилар. Улар, янги жамият ўз тараққиётида икки фазани, я'ни биринчи, ёки қуйи фазани — социализмни ва иккинчи, юқори фазани— коммунизмни ўтади, деб кўрсатдилар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг гениал асосчиси В. И. Ленин марксизмни янги тарихий даврга, империализм даврига, я'ни капитализм зиддиятлари жуда кескинлашиб, социалистик революция бевосита практик масала бўлиб қолган бир даврга тадбиқ этиб, янада ривожлантирди. Ленин марксизмни янги кашфиётлар билан бойитиб, Коммунистик партияни мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат илмий программа билан қуроллантирди. Социализмнинг даставвал биринчи мамлакатда, ёки ҳатто айрим олинган бир капиталистик мамлакатда ғалаба қилиши мумкин эканлигининг асослаб берилиши илмий коммунизм назариясига қўшилган жуда катта ҳисса бўлди. Ленин социалистик жамиятнинг иқтисодий тараққиётига, социализмдан аста-секин коммунизмга ўтишга чуқур характеристика берди.

Капитализмдан социализмга ўтиш учун, — деб та'лим берган эди Ленин, — зўрлик билан революция ясаш, буржуазия ҳокимиятини ағдариб ташлаш, буржуа базиси ва устқурмасини бутунлай йўқотиш зарур. Социалистик тузумни бутун чоралар блан мустаҳкамлаш ва ривожлантириш асосида социализм аста-секин коммунизмга ўсиб ўтади. Социализм ва коммунизм айни бир ижтимоий тузумнинг фазалари бўлиб, коммунистик жамиятнинг иқтисодий ва ма'навий етуклиги даражасига қараб бир-биридан фарқ қилади. Ленин СССРда социализм қуриш, социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўллари ва методларини белгилаганида жамият тараққиёти об'ектив иқтисодий қонунларининг талабларига, жамият моддий ҳаётини ривожлантиришнинг энг зарур эҳтиёжларини, меҳнаткашларнинг энг зарур манфаатларини э'тиборга олишга асосланди. Ленин совет халқини ва унинг авангардини — Коммунистик партияни иқтисодий жиҳатдан қолоқ Россияни илғор, қудратли социалистик давлатга айлантиришдан иборат бўлган ва илмий жиҳатдан асосланган программа блан қуроллантирди. Мамлакатни социалистик негизда индустриялаш, оғир саноатни бутун чоралар блан ривожлантириш, бутун халқ хўжалигини электрлаштириш, мамлакат қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуришнинг кооператив планини бажариш, маданий революцияни амалга ошириш ана шу программанинг энг муҳим таркибий қисмлари эди.

Ишчилар синфи блан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи идеяси СССРда социализм ва коммунизм қуришдан иборат Ленинча планга асос қилиб олинди. Ленин ишчилар блан деҳқонлар иттифоқини жамиятни қайта қураоладиган жуда ажойиб бир қуч деб ҳисоблади. Мамлакатимизда социалистик қурилиш йўллари ва методлари тўғрисидаги ленинча қоидалар Ленин ишларининг улуғ давомчиси И. В. Сталининг асарларида. Коммунистик партиянинг қарорларида янги тарихий тажриба асосида ривожлантирилди, бойитилди ва конкретлаштирилди.

Коммунистик партиянинг социализм қурилишининг ленинча планини амалга оширишнинг соҳасидаги фаолияти троцкийчиларга, капитализмнинг ўнг оппортунист реставраторларига қарши ва ленинизмнинг бошқа душманларига қарши шиддатли курашда ривожлантирилди. Ана шу душманлар партияни Ленин йўлидан чиқариб, капитализмни қайтадан тиклаш йўлига туширимоқчи бўлдилар, енгил саноатни устун даражада ривожлантириш программасини партияга мажбуран қабул қилдиришни хоҳладилар, кулакнинг тинч йўл блан социализмга ўсиб кириши назариясини илгари сурдилар. Социализм иши учун ҳалокатли бўлган антимарксистик назарияларни Коммунистик партия И. В. Сталин бошчилигидаги Марказий Комитетнинг раҳбарлиги остида фош қилиб ташлади, капитулянтларни (таслимчиларни) ва хоинларни тор-мор келтирди, ленинизмни қаттиқ туриб сақлаб қолди ва СССРда социализм қурилишини та'минлади.

Коммунистик партиянинг мамлакатни социалистик негизда индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш сиёсатини муваффақиятли суратда амалга оширганлиги, маданий революция ясалганлиги натижасида бизнинг Ватанимиз олга қараб катта қадам қўйди. СССРда социализм тантана қилди. Эксплуататор синфлар бутунлай йўқотилди. Совет жамияти бир-бири блан дўст бўлган икки синфдан, я'ни ишчилар ва деҳқонлардан, шунингдек бу синфлар блан чамбарчас боғланган интеллигенциядан иборат. Совет жамиятининг СССР халқларининг ма'навий-сиёсий birлиги, дўстлиги, совет ватанпарварлиги каби ҳаракатга келтиручи қудратли кучлари социализм ғалабасининг гранит негизида ривожланди ва мустаҳкамланди. Совет халқи эришган оламшумул-тарихий ғалабалар СССР Конституциясига — ғалаба қозонган социализм Конституциясига ёзилди.

ПАРТИЯНИНГ МАМЛАКАТНИ СОЦИАЛИСТИК НЕГИЗДА ИНДУСТРИЯЛАШ ЙЎЛИДАГИ ҚУРАШИ

Бизнинг партиямиз социализм қурилишига киришган пайтда марксизм-ленинизмнинг оғир саноатни устун даражада ва тез ривожлантириш ҳақидаги энг муҳим назарий қоидасини ўзининг бош йўли учун асос қилиб олди.

Ленин ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган йириқ машина саноатининг социализмнинг бирдан-бир моддий негизи деб атади ва бу саноат қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуриш, Ватанимизнинг техника-иқтисодий жиҳатдан капиталистик давлатлардан мустақил бўлишини та'минлашнинг калиди, деб билди. Ленин оғир саноат бўлмаса, биз ҳеҳқандай саноатни қураолмаймиз, оғир саноат бўлмаса, мустақил давлат сифатида умуман ҳалоқ бўлиб кетамиз, деб огоҳлантирди. Ленин, мамлакат хўжалигини янги техника базасига кўчиришни электрлаш иши блан маҳкам боғлади. Ленин бундай деган эди: «Мамлакат электрлашган вақтдагина, саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт ҳозирги замон йириқ саноатининг техника базасига қурилгандагина, — фақат шундагина биз узил-кесил енгиб чиқамиз» (Асарлар, 31 том, 549 бет).

Ленининг ана шу та'лимотига асосланиб, И. В. Сталин оғир саноатнинг ўсиш сур'атларини тўхтатиб туриш ўз-ўзини ўлдириш бўлар эди, бутун саноатимизга, шу жумладан енгил саноатимизга ҳам путур етказиш бўлар эди, деб кўп марта та'кидлади. Сталин индустриялашнинг социалистик методини асослаб берди. Бу методнинг капиталистик методдан фарқи шуки, у индустриялаш ишини енгил саноатдан эмас, балки оғир саноатдан бошлашни кўзда тутади.

Оғир индустрияни бутун чоралар блан ривожлантириш юзасидан улуғ Ленин томонидан белгиланган бирдан-бир тўғри йўлни Коммунистик партия И. В. Сталининг раҳбарлиги остида оғиишмай амалга ошириб келди. Партия ўзининг 1925 йилда бўлиб ўтган XIV с'ездида мамлакатни социалистик негизда индустриялаш, биринчи галда оғир саноатни тез сур'атлар блан ривожлантиришдан иборат қат'ий йўлни белгилади. Совет халқи партиянинг доно раҳбарлиги туфайли индустриялаш йўлидаги катта қийинчиликларни бартараф қилиб, тарихий жиҳатдан қисқа вақт ичида фан ва техниканинг сўнгги муваффақиятлари асосида ташкил этилган қудратли оғир индустрияни вужудга келтирди. Бу индустриянинг кўпгина тармоқлари, масалан, автомобиль ва трактор саноати, станоксозлик, самолётсозлик, комбайнлар, катта турбиналар ва генераторлар, яхши сифатли пўлат ишлаб чиқарадиган корхоналар янгидан барпо қилинди.

СССР йириқ саноатининг маҳсулоти ўз ҳажми жиҳатидан 1940 йилдаёқ Европада биринчи ўринни ва дунёда иккинчи ўринни эгаллади. Йириқ саноат маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан қариб 12 баравар кўпайди. Капиталистик мамлакатларнинг бирontаси ҳам индустриялашнинг бундай сур'атларини ҳеҳқачон кўрган эмас ва кўриши ҳам мумкин эмас. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг саноат ишлабчиқаришини 12 баравар кўпайтириши учун 80 йил керак бўлди. Англия ўз индустриясини 100 йил мобайнида вужудга келтирди.

Мамлакатни социалистик негизда индустриялашнинг амалга оширилиши натижасида собиқ чор Россияси чекка ўлкаларининг иқтисодий қолоқлиги тугатилди. Барча миллий республикаларда социалистик саноат кенг ривожланди, бу саноат базасида илғор социалистик қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди, СССР халқларининг маданиятини юксалтириш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Миллий республикаларнинг барқ уриб юксалганлиги Коммунистик партия ленинча-сталинча миллий сиёсатининг тантанаси бўлиб, социалистик тузумнинг капиталистик тузумга нисбатан беиҳоя устун эканлигини яққол ифода этади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг социалистик индустриялаш сиёсатини изчиллик блан амалга оширганлиги натижасида Улуғ Ватан урушида иқтисодий жиҳатдан ғалаба қозонишимиз та'мин этилди. Қудратли оғир индустрия бўлмаганида, бизнинг мамлакатимиз Ғарбий Европанинг бутун индустриясини ўз қўлига олган гитлерчилар Германиясини тор-мор келтираолмаган бўлар эди.

Коммунистик партия урушдан кейинги йилларда ҳам Ленининг кўрсатмаларига амал қилиб, оғир индустрияни бутун чоралар блан ривожлантиришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаб келмоқда. Оғир индустрия социалистик экономика асосларининг асоси, халқнинг фаровонлигини ошириш манба'и, мамлакат мудофаа қобилиятининг қудратли базаси бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. 1953 йилда саноатнинг яхши маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 30 баравар ортиқ эди, ишлабчиқариш воси-

Барча колхоз ва совхозларда экиш агрегатларининг тўла ва унумли ишлашига эришайлик!

Илғор механизаторлар режа симини икки қатор тортиб, чигит экиш нормасини ошириб бажармоқдалар

Ўртоқ И. Тошбоев бошқараётган экиш агрегатининг а'золари режа симини икки қатор тортиб, кунига 12 гектардан ерга квадрат-уялаб чигит экмоқдалар. Суратда (чапдан ўнгга): лебедкачи К. Сарсиев, контролёр П. Попов, универсалчи И. Тошбоев, бригада механиги А. Эрматов, участка ҳосилот советининг раиси Х. Абдуқодиров, лебедкачи А. Сускутов, сим суручи Б. Назиев, сеялкачи О Усаров ва сим суручи Р. Сирожиддинов ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

Ўртоқ Ибрай Тошбоев агрегати режа симини икки қатор тортиб, кунига 12 гектар ерга чигит экмоқда

Яқинда Ўртасарой районидаги 2-нчи МТСнинг «Полярная звезда» колхозидаги давлат агрономи ўртоқ Ким Нак-ку Ибрай Тошбоев бошқараётган «универсал»нинг ишини кузатиб чиққач, экиш агрегати а'золарини ўз ёнига чақириб олиб, бундай деди:

— Мен, ўзимча мулоҳаза қилиб чиқдим. Агар режа симини икки қатор қилиб тортсак. «универсал» дала бошига етгач, иккинчи қаторга ўтиш учун режа симининг созланишини қутиб анча вақт тўхтаб турмайди. Олдиндан тайёрлаб қўйилган режа сими бўйлаб дарҳол ишни давом этдириб кетаберади.

— Мен сизнинг фикрингизга тушуномаяпман? — деди универсалчи Ибрай Тошбоев.

— Мана ҳозир тушунтириб бераман... Агроном экиш агрегати а'золарини ариқ бўйидаги кенг далага бошлаб борди. У, олдин қўли блан ерга ҳартурли чизиқлар чизиб, уларга кўрсатди.

— Биз бир қатор қилиб сим тортганимизда, 2 метр-у, 40 сантиметрни эгаллаган ҳолда 4 каторга чигит экамиз. Агар икки қатор сим тортиб, оралиқни 4 метр-у, 80 сантиметрга кенгайтирсак, «универсал» бир симдан бориб, иккинчи симдан қайтиб келаберади. Я'ни бориб келишда 8 қаторга чигит экилади. Иккинчи симдан даланинг охиригача етиб келгунча, биринчи сим дарҳол сурилади ва «универсал»нинг қайтишигача тайёрлаб қўйилади...

— Ҳа, ана энди тушундим. Бунда 4—5 гектар эмас, 7—8 гектар ерга чигит экса бўлади...

— Ҳамма гап шунда-да. Сен айтганча 7—8 гектарга эмас, 10—12 гектар ерга чигит экса бўлади. Мана бугун шуни синаб кўрамиз.

Экиш агрегатининг а'золари агроном бошлиқ янгича усул блан ишлашга киришдилар. Кўшимча равишда келтирилган режа сими дарҳол даланинг бу бошидан у бошига тортилди. Икки симнинг оралиғи 4 метр 80 сантиметрга мосланди. Янгича тартиб блан чигит экилабошланди. «Универсал» дала бошига етгач, режа симининг созланишини кутиб турмай, қўшимча режа сими орқали ишни давом эдираберди. Қайрилиш учун кетадиган 5—6 минут 1 минутга қискартирилди. Универсалчи Ибрай Тошбоев 4—5 марта бориб келгач, агроном айтган маслаҳат жуда тўғри ва фойдали эканини сезди. У, ана шу усулда ҳаққонлик блан ишлаб, дастлабки куни 8 гектар ерга чигит экди. Кечқурун агрегат а'золари ишдан кейин бир ерга тўпландилар ва эртага 12 гектар ерга чигит экиш режаларини тузиб чиқдилар.

Экиш агрегати эртаси куни Отақул Усаров бошлиқ звено ерига барвақт етиб келди. Звено бошлиғи Отақул Усаров кўкламда янги усулда чигит экишга жуда яхши ўрганиб олган эди. Шунинг учун у сеялкага ўтирди-да, ишни бошлаб юбораберди. Звенонинг катта йўл ёқасидаги ери кенг ва текис қилиб тайёрланган эди. Агрегат а'золари дарров режа симини икки қатор қилиб тортдилар ва ўз жойларига бориб турдилар. Сур'ат соат сайин ошаборди. Тушки овқатга қадар салкам 6 гектар ерга чигит экилди. Бу, агрегат а'золаринигина эмас, барча колхозчиларни ҳам гоят қувонтирди.

— Янгиликка, янгилик қўшилаберар экан, — дейди шу участка полеводи Холмирза Абдуқодиров. — биз квадрат-уялаб чигит экиш хабарини эшитганимизда жуда қувонган эдик. Аммо бу усулда чигит экиш сур'ати фирмунча паст эканлигини кўриб, ташвишланган эдик. Мана, агрономимиз янгиликка-янгилик қўшиб, чигитни иккита режа сими блан экиш йўлини тоцди. Утган йиллари ҳам энг яхши универсалчи бир кунда жуда кўп деганда 12 гектар ерга чигит экарди. Ҳозир янгича усулда ишлаётган универсалчиларимиз ҳам 12 гектардан ерга чигит экиш имкониятига эга бўлдилар.

Янгича тартиб блан, я'ни режа симини икки қатор килиб тортган ҳолда 12 гектар ерга чигит экилган куни бу хабар колхоздаги бошқа трактор бригадаларининг а'золарига ҳам етди. Ҳозир улар ҳам ана шу усулда ишлаб, чигит экиш сур'атини оширимоқдалар ва ишни сифатли бажаришга эришмоқдалар.

Илгари колхоз бўйича бир кунда 35—40 гектар ерга чигит экилаётган бўлса, ҳозир бу рақам 50—55 гектарга етказилди. Механизаторлар янги усулда чигит экишни тезроқ тамомлаш учун техникадан тўла ва унумли фойдаланмоқдалар. Универсалчи ва сеялкачилар ўртасида ишни сифатли бажариш ва нормани 1,5—2 хисса адо этиш юзасидан майдоли социалистик мусобақаси қизиғин тус олди.

Универсалчи Ибрай Тошбоев бошчилигидаги экиш агрегатининг а'золари ана шулар жумласидандир. Сеялкачи Отақул Усаров, сим суручи Булутбой Назиев, лебедкачилар Комил Сарсиев, Алексей Сускутов, режа симини суручи Рашид Сирожиддинов, контролёр Павел Попов ўртоқлар ҳар куни 10—12 гектардан ерга чигит экишни та'миламоқдалар.

— Пахтакорларимиз ва бизда хизмат қилаётган механизаторлар, — дейди колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ким Пин-хва. — бу йил 1000 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётирлар. Яқинда биз Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Мурожаатига имзо қўйдик. Ана шунда биз севикли она-Ватанимиз тинч ва ялада мустаҳкам бўлсин, халқимиз ялада фаровон турмуш кечирсин, бутун дун'ёда тинчлик бўлсин, дедик. Ана шу сўзимизни ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз блан мустаҳкамлаймиз. Мамлакатимизга кўп пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулоти ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш учун ҳормай-толмай курашамиз.

С. МАҲКАМОВ.

☆ ☆ ☆

Чинозда нега экиш сур'ати паст

ТЎҒРИ КВАДРАТ ҲОСИЛ БЎЛМАЁТИР

«Қизил Октябрь» колхозининг Ойдин участкасидаги кенг ерларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Катта асфальт йўл ёқасидаги бу ерлар ҳозир жуда обод. Ба'зи кишилар ер текислаш блан, ба'зилар квадрат-уялаб экиш учуқ сим тортиш блан, ба'зилар чигит ташиш блан банд. Чигит экаётган, борона қилаётган тракторлар мағрур ҳайқирмоқда. Ҳамма бир ният блан, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун, чигитни барвақт экиб олиш учун курашмоқда. Колхознинг Абдусоат Ахмедов бошлиқ бригадасининг 22 гектар ерига 45х45 ва 29 гектар ерига 60х60 схемаси блан биринчи бўлиб чигит экиб бўлинди.

Лекин колхознинг ҳамма бригадаларида ҳам чигит экиш тез ва сифатли ўтаётир деб бўлмайди. Хўжам Алдаев бошлиқ бригаданинг 45 гектарли ерига 60х60 схемаси блан чигит экилмоқда. Аммо экиш агрегатининг ҳамма а'золари белгиланган қоидага мувофиқ ишламаётир. Аввало экиш агрегатининг контролёри Алибой Бўриев шайба фиксатор тепасида тўхтамай туриб, тракторнинг юриши учун ишора бермоқда. 2 гектар ерга экилган чигитларнинг жойланишини текшириб қаралганда квадрат ҳосил бўлмагани ма'лум бўлди. Контролёр Алибой Бўриев контрольшайба фиксатордан чиқиб бир томонга анча силжиб кетса ҳам ишни давом этдирмоқда. Натижада қатороралари тўғри бўлмаётир.

Бундан ташқари тракторчи Собир Искандаров ҳам, сеялкачи Жўрабой Дадабоев ҳам сеялканинг нормаль ишлашига э'тибор бермаганлар. Экиб кетилган ба'зи қаторларга чигит тўла тушмаган. Аҳвол шундай бўлгани ҳолда ҳосилот советининг раиси Қурбонбой Бахтибоев «бу ишни контролёр қилаберади» деб хабар олмаган. МТСнинг шу колхоздаги агрономи Зокиров шундай мас'улиятли ишга бош бўлмаган.

БИР-БИРЛАРИНИ АЙБЛАМОҚДАЛАР

Камқувват Молотов номли колхознинг Холмат Бойматов бошлиқ бригадасига соат 2 ларда етиб бордик. Универсалчи Омонтой Бойжонов сеялкачи Абдураим Раҳмонов блан сўзлашиб турган эди. Улар блан сўрашдик.

— Нега трактор тўхтаб турипти?

— Анчадан бери чигит келишини кутиб турибмиз, — деб жавоб берди, Бойжонов.

— Бугун қанча ерга экдингиз?

— Мазамиз йўқ. Мана кўриб турибсизку, қачон чигит келиши нома'лум. Кунимиз бекор ўтаяпти.

Бу ишга раҳбарлик қилаётган ҳосилот советининг раиси Шодмон Салоховдан ҳам, чигит ташучи аравакаш Мирза Қодировдан ҳам, бригада бошлиғи Холмат Бойматовдан ҳам дарак йўқ. Соат икки ярим бўлди. Биз сеялканинг катушка ричагини кўтариб кўрдик. Ўртадаги икки катушка кўтарилди-ю, икки чеккадагилари кўтарилмади. Бу катушкалардан биттасида ричаг блан боғловчи сими йўқ, иккинчисининг эса сими керагидан ортиқ узун эди. Бундан ташқари бир томондаги маркерга арқон боғланган-у, иккинчи томондаги маркернинг арқони ҳам йўқ. Трактор қайтиш вақтида сеялкачи Раҳмонов тракторни тўхтатиб, маркер ипини олмаштириб олар экан.

Бу ҳам майли, сеялканинг бир барабани мутлақо ишламас эди. Текширилганда барабанни ҳаракатга келтирувчи ролик бўшаб қолгани, шпонкаси тушиб кетгани ма'лум бўлди. Яна сеялкани автоматик регулировка қилиб турадиган хроповик (пружинаси) йўқ эди.

— Бригада механиги йўқми? — сўрадик.

— Бор, ана келаянти, — деди тракторчи.

Ҳосилот советининг раиси Шодмон Салохов блан бригада механиги М. Калиев келиб қолди. Ўртоқ Калиев МТСда ҳечнарса йўқлигидан, кўчма устахона келмаслигидан шикоят қилиб кетди. «Хроповик» ҳеч ерда йўқлигини та'кидлади. Анча тортишув бўлди. Соат 3 дан ошиб кетди. Лекин М. Калиев хаёл ўтмай қаердандир хроповик топиб келиб, тракторчига узатди.

— Чигит қани? — ҳосилотдан сўрадик.

— Бригадирга тайинлаган эдим, у аравакашга тайинлаган экан, аравакаш ивитилган чигитни олиб келиш ўрнига омбордан қуруқ чигит олиб келиш учун кетибди. Ҳозир келиб қолади.

— Бу қанақа гап, битта сеялкага чигит етказиб бераолмасаларинг.

— Чигитнику етказиб берамиз-а, тракторнинг мазаси йўқ. Кеча 4 соат тўхтаб турди...

Хуллас бу ерда иш ёмон уюштирилган. Бунинг учун улар бир-бирларини айблаш блан овора бўлмоқдалар.

Молотов номли колхознинг 3-нчи бригадасида 60х45 схемаси блан уч кундан бери чигит экилмоқда. Лекин иш унуми жуда паст. 64-нчи тракторнинг ҳайдовчиси Эргаш Раҳимқулов симнинг қачон тортилишини хуноб бўлиб кутмоқда. Колхоз раиси Саидбурхон Нахимов ерга ётиб қозиқларнинг тўғрилигини текширмоқда. Контролёр Жуман Орипов нима қилишини билмай, байроқчани ушлаб турарди.

— Нимага фиксаторга қарамайсиз, бу ишни биласизми? — деб сўрадик.

— Энди ўрганамизда...

— Илгари ўрганмадингизми?

— Йўқ, бу ишга бугун тайинлашди.

Бу колхозда чигит экиш иши мутлақо қониқарсиз бормоқда, меҳнат тўғри ташкил этилмаган. Кўпгина колхозчилар дала ишларига жалб этилмаган. Колхоздаги 2 та сеялкадан унумли фойдаланилмаётир. Тракторлар кўп вақт бекор туриб қолмоқда. Сеялкачилар тез-тез алмаштириб турилмоқда. Ҳаммадан муҳими, квадрат-уялаб чигит экишда асосий роль ўйнайдиган контролёр ўрнига, бу ишдан мутлақо бехабар кишиларни тайинлаш ҳоллари юз бермоқда. Шунинг натижасида уч кунда 2 гектар ерга чигит экилган.

Чиноз МТСи бу камқувват колхозга жуда ёмон ёрдам бермоқда. Шу колхозга юборилган пахта териш машинасининг механиги Сафаровнинг ёрдами ҳали сезилмаётир, тракторчиларга ҳамхўрлик қилинмаётир.

БЕБОШЛИК

Ворошилов номли колхоз ҳам камқувват колхозлардан ҳисобланади. Бу колхозга ҳартарафлама ёрдам бериш лозим. Колхозга бу йил агроном Ислом Тешабоев раис қилиб сайланди. Бу—шубҳасиз яхши.

Лекин МТС блан колхоз ўртасида бир англашилмовчилик юз берди. МТСнинг ма'лумотига қараганда колхознинг пахта майдонлари ҳайдалиб бўлган, аммо колхоз раиси Тешабоевнинг ма'лумотига қараганда пахта майдони ҳали тўла ҳайдалмаган. Кейин ма'лум бўлишича, Тешабоев тракторлар блан биринчи навбатда пахта майдонини ҳайдатиш ўрнига колхозчиларнинг томорқаларини ҳайдатган.

Биз колхознинг Саиддин Эрматов бошлиқ бригада ерида турганимизда раис Тешабоев. шу колхозни оталикка олган қишлоқ хўжалик министрлигининг вакили блан келиб қолди. Раис бизга колхознинг ба'зи ишлари ҳақида ма'лумот берди. Колхозчиларни ишга рағбатлантириш учун томорқаларини трактор блан ҳайдатиб берганини айтди.

— Бу колхоз Уставига хилоф эмасми?

— Йўқ. — деди раис дарҳол, — бизнинг шароитимизга тўғри келаберади.

— Сизнинг шароитингиз учун бошқа устав борми?

— Бошқа устав йўқ-ку, шундай бўлса ҳам тўғри келаберади. — деди Тешабоев.

— Бўлмаса трактор ишлагани учун МТСга натура ҳақини ким тўлайди?

— Колхоз тўлайди, чунки кассамиз битта.

Тешабоев шу йўл блан колхозчиларни ишга қизиқтирмоқчи, колхозчиларнинг хўжалигини мустаҳкамламоқчи бўлган. Лекин, у тўғри иш қилмаган.

Олий ма'лумотлиман, Мирзачўлдаги 2-нчи МТСда бош агроном бўлганман деб юрган бу раис ўз бошимчалик блан колхоз Уставига хилоф иш қилиб, колхозчилар ўртасида обрў қозонишга уринмоқда.

Умуман юқорида юз берган уюшқоқсизликлар, тракторлардан унумли фойдаланмаслик, айрим жойларда квадрат-уялаб чигит экиш ишига мас'улиятсизлик блан қараш, колхоз Уставига хилоф ҳаракатлар натижасида Чиноз районида чигит экиш суст давом этаётир.

Б. ХАЛИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Чигитни тез ва сифатли экиб олиш учун курашмоқдалар

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари бу йил чигит экишга пухта тайёргарлик блан киришдилар.

Колхоз бу йил 2200 гектар ерга чигитни янги, прогрессив методда экмоқда. 500 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб, 1700 гектар ерга торқаторлаб экиб, ғўза қатор ораларини узунасига ҳамда кўндалангина ишлаш планлаштирилди. Ҳозир меҳнатсевар колхозчилар чигитни қисқа муддатда сифатли экиб олиш учун МТС механизаторлари блан ҳамкорликда ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Колхозда чигит экишни биринчи бўлиб Ойбуви Одилова бошлиқ звено а'золари тамомладилар. Улар бу йил ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш учун курашаётирлар.

Колхоз бўйича 240 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб, 200 гектар ерга торқаторлаб экиб бўлинди.

Колхоз а'золари чигит экишни барвақт тамомлаб, бехато ундириб олиш учун астойдил курашаётирлар.

С. ОБЛАҚУЛОВ.

талари ишлаб чиқариш эса шу давр ичида 50 баравардан зиёд ортди. Мамлакат саноатининг бутун маҳсулоти 1940 йилдагига нисбатан ўз ҳажми жиҳатидан 2,8 баравар кенгайди, оғир саноат ва унинг ўраги бўлган машинасозлик саноатининг маҳсулоти эса 3,4 баравар кўпайди. Ишлабчиқариш воситалари ишлабчиқаришнинг СССРдаги бутун саноат маҳсулотидаги хиссаси 1924—1925 йилларда 34 процентни, 1937 йилда 58 процентни, 1953 йилда тахминан 70 процентни ташкил этди.

Ленининг мамлакатни индустриалаштиришдаги буюк васиятлари муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. Совет ҳокимияти барпо қилинганидан буён ўтган йиллар ичида ишлаб чиқарилган электр қуввати 70 баравардан зиёд ортди. 1955 йилда дун'ёда энг йирик Куйбишев гидроэлектростанцияси биринчи токини беради, жуда катта Горький, Каховка электростанциялари ва бошқа электростанциялар ишга туширилади. Бунинг натижасида бу йил электростанцияларнинг қуввати гоят ортади.

Индустриялаш ва электрлаш соҳасидаги муваффақиятлар, халқ хўжалигининг оғир индустриямиз етказиб бераётган энг янги техника блан та'минланаётганлиги, ходимлар малакасининг оширилаётганлиги меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз кўпайтириш имконини беради. Кейинги 25 йил ичида саноатда меҳнат унумдорлиги тахминан 6 баравар, транспортда 3,5 баравар кўпайди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, Ленин айтганидек, янги жамиятнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу вазифани бажармай туриб, коммунизмга ўтиш мумкин эмас. Коммунистик партия меҳнат унумдорлигини янада ошириш учун, давлат планларини муддатидан илгари тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини ташкил этмоқда.

Партия ва ҳукумат бешинчи бешйиллиқнинг тугалловчи йили бўлган 1955 йилда меҳнат унумдорлигини саноатда 6,5 процент, қурилишда 9 процент ошириш вазифасини қўйдилар. Бу топшириқлар минимал топшириқлар бўлиб, сўзсиз бажарилиши лозим. Меҳнат унумдорлигининг ортиши ишчилар ва хизматчилар иш ҳақининг ўсишидан ўзиб кетиши жуда муҳимдир. Шундай қилгандагина ишлабчиқаришни кенгайтириш учун, пархларни камайтириш ва халқнинг турмуш даражасини кўтариш учун зарур миқдорда жамғарма тўплаш мумкин.

Партия қурилиш ишларини кенг миқёсда қизитиб юборибди, Ватанимиздаги миллион-миллион меҳнаткашлар оммасининг битмас-туганмас ижодий кучларини саноатнинг барча тармоқларини, айниқса оғир индустрияни янада ривожлантиришга сафарбар қилмоқда, чунки ишлабчиқариш воситалари ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш — социалистик экономиканинг қонунидир.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида та'кидлаб ўтилганидек, кейинги вақтларда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилиши муносабати блан экономистларнинг ба'зибир қисми ўртасида социалистик экономиканинг тараққиётига доир асосий масалаларда нотўғри, антимарксистик фикрлар пайдо бўлиб қолди. Ана шу шўринг қурғур назариячилар социализмнинг асосий иқтисодий қонунини вульгарлаштириб, социалистик қурилишнинг қандайдир бир этапида оғир саноатни ривожлантириш асосий вазифа бўлмай қолади ва енгил саноат индустриянинг бошқа ҳамма тармоқларидан ўзиб кетаолади ва ўзиб кетиши керак, деб исботлашга уринмоқдалар. Коммунистик партия назарий жиҳатдан хато ва сиёсий жиҳатдан зарарли бўлган ана шундай фикрларни кескин суратда қоралайди. Бундай фикрлар социалистик экономика масалаларида ўнг оппортунистик установкаларнинг сарқити ва партиянинг бош йўлини ревизия қилишдан бошқа бир нарса эмас. Саноатни устун даражада ривожлантириш — партиянинг бош йўли, партия иқтисодий сиёсатининг асосий звеноси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

ПАРТИЯНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КОЛЛЕКТИВЛАШ УЧУН КУРАШИ

Ленинча кооператив план, я'ни майда деҳқон хўжаликларини социалистик негизда қайтадан қуриш, уларни коллективизм изига, механикалаштирилган йирик деҳқончилик изига тушириш плани — СССРда социализм қурилишидан иборат умумий программанинг ажралмас қисмидир.

Ленин кооператив планининг моҳияти шундан иборат эдики, ишчилар синфи диктатураси шароитида ва мамлакатни индустриялаш сиёсати амалга оширилаётган, ишчилар блан меҳнаткаш деҳқонларнинг иттифоқи доимо мустаҳкамланаборaётган бир шароитда деҳқонлар социалистик қурилишга кооперация орқали жалб этилиши лозим. Деҳқонларга ҳарқандай йўсинда таз'йиқ кўрсатилишига йўл қўймай, ихтиёрийлик принципига қаттиқ риоя қилган ҳолда майда ва ўрта якка хўжаликларни даставвал мол ўтказиш соҳасида, сўнгра эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида кооперацияга аста-секин бирлаштириш зарур эди.

В. И. Ленининг асарларига, унинг кооператив планига таяниб И. В. Сталин колхоз қурилиши тўғрисидаги масалада бирқанча янги қоидаларни илгари сурди ва ривожлантирди. И. В. Сталин кулакларни чеклаш ва суриб чиқариш сиёсатидан ёпасига коллективлаш негизида уларни синф сифатида тугатиш сиёсатига ўтишни асослаб берди; ҳозирги этапда қишлоқ хўжалик артели колхоз қурилишининг асосий звеноси эканлигини кўрсатди; қишлоқ хўжалигини қайтадан қуришда Совет давлатининг таянч пунктлари бўлган машина-трактор станцияларининг етакчилик роли тўғрисидаги масалани ишлаб чиқди.

Қишлоқ хўжалигини коллективлаш совет жамияти тараққиётининг об'ектив иқтисодий қонунларини ифода этди. Совет жамияти узоқ вақт мобайнида бирбирига қарама-қарши бўлган икки иқтисодий асосга, я'ни шаҳарда йирик социалистик саноат ва қишлоқда майда якка деҳқон хўжаликларига таяниб иш кўраолмас эди. Колхоз тузуми ғалаба қилиши блан ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлди. Бу иқтисодий асос бутун халқ хўжалигида танҳо ҳукмронлик қилаётган социалистик мулкчиликдан иборат. Бу мулк икки формада, я'ни давлат мулки ва кооператив-колхоз мулки сифатида мавжуддир. Бунда давлат мулки етакчилик ролини ўйнайди.

Коммунистик партиянинг узоқни кўрадиган доно сиёсати туфайли СССР қишлоқ хўжалиги ер-ўда энг илғор хўжалик бўлиб қолди. Бизнинг мамлакатимизда қарийб 90 минг колхоз, 10 мингга яқин машина-трактор станцияси ва 5 мингга яқин совхоз бор.

Колхоз ва совхозларимиз қудратли оғир индустриямизлан зўр техникани олаётганликлари ва Совет давлатининг кун сайин катта ёрдам бераётганлиги туфайли кучлидир. Совет давлати қишлоқни трактор ва бошқа машиналар блан кўп миқдорда та'мин этмоқда. Улуғ Ленин 1919 йилда бизда 100 минг трактор бўлаligan пайтни орзу қилган эди. 1954 йилда қишлоқ хўжалигида 1 миллион 260 минг трактор, 326 минг дон комбайни ва кўп миқдорда бошқа хил энг яхши машиналар бор эди. Машина-трактор станциялари 1954 йилда колхозлардаги асосий дала ишларининг 82 процентини бажардилар. Бу эса қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосий ва ҳал қилучи куч бўлган МТСларнинг роли гоят ўсганлигини кўрсатади.

Ишчилар синфи қишлоқ хўжалигини биринчи даражали техника блан та'минлабгина қолмай, балки колхоз, МТС ва совхозларни инженер-техник кадрлар блан ҳам мустаҳкамламоқда. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун биргаликда олиб бораётган кураши яхши натижалар бермоқда. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида дастлабки муваффақиятларга эришилди. Экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилни кўпайтириш йўлида анча иш қилинди.

Лекин шундай бўлса ҳам, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришимиз мамлакатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ҳали тўла қондирмаётир, бу ишлабчиқариш қишлоқ хўжалигининг техника блан та'минланганлиги даражасига ва колхоз тузумидаги имкониятларга муносиб даражада олиб борилаётир деб бўлмайди.

Кейинги йилларда партия Марказий Комитети Пленумлари чиқарган қарорларда ва Совет ҳукуматининг қарорларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, мамлакатимизда аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ва енгил саноат ҳамда озиқ-овқат саноати учун керакли хомаш'ёни етарли миқдорда вужудга келтириш йўлидаги курашнинг кенг программаси чизиб берилди.

Партия ва ҳукумат яқин йиллар ичида чорвачиликнинг қолоқлигини бартараф қилишни ўз олдиларига муҳим вазифа қилиб қўйдилар. Дон етиштиришни тобора кўпайтириш — чорвачиликни ривожлантиришнинг ҳал қилучи шартидир. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми 1960 йилга келганда мамлакатда ҳар йили олинадиган дон ҳосилини камида 10 миллиард пудга етказиш вазифасини қўйди. Бундай қилганимизда бизнинг мамлакатимиз аҳолининг галлага бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш блан бирга янада кўпроқ резервларни вужудга келтираолади, четоллар блан савдо-сотиқни кенгайтираолади ва чорвачилик эҳтиёжлари учун тўрт миллиард пудлан ортиқ дон ажратиб бераолади. Ҳамма ерда ҳосилни ошириш, ҳосилни йиғиштириб олиш вақтида нобудгарчиликни камайтириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирабориш, мажмажўхори майдонларини кенгайтириш — дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий манба'ларидир. Яқин 5—6 йил ичида асосий чорвачилик маҳсулотларини етиштириш икки—икки баравардан зиёд ортиши керак.

Партия ва ҳукуматнинг йирик социалистик қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида тинмай ҳамхўрлик қилиб, СССРда буюк маданий революцияни амалга оширди. Маданий революция амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз маданий қолоқликка, миллион-миллион меҳнаткашларнинг саводсизлигига абадий хотима берди, чинакам халқ интеллигенцияси, социалистик интеллигенциянинг кўп кадрларини вужудга келтирди, билимларнинг ҳамма соҳаларини юксалтиришда жуда катта муваффақиятларга эришди, миллионларча ишчи ва деҳқонларни сиёсий ҳаётда, маданий қурилишда актив қатнаштиришга муваффақ бўлди. Маданиятнинг ҳамма воситалари — китоб, газеталар, театр, радио, маданият саройлари, клублар ва шу сингарилар халқ ихтиёридадир.

СОЦИАЛИЗМ ХАЛҚҚА НИМА БЕРДИ

Социализм совет кишиларига буюк моддий ва ма'навий бойликлар келтирди.

СССР меҳнаткашлари ўз истиқболларига ишонч блан қарайдилар. Капитал мамлакатларида миллион-миллион ишчиларни очлик ва қашшоқликка дучор қилаётган ишсизлик совет кишиларига таҳдид қилмайди. Совет Иттифоқининг миллий даромади тўхтовсиз ўсмоқда. Бу миллий даромад 1940 йилда 1913 йилдаги даражадан (таққослаб олинган нархларда) 6,1 баравар, 1953 йилда 13 баравар ортди. 1954 йилда миллий даромад 1953 йилдагига нисбатан яна 11 процент кўпайди. Халқ истеъмоли товарлари давлат чакана нархларининг систематик суратда камайтирилаётганлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасида партия ва ҳукумат томонидан кўрилаётган тадбирлар ишчилар ва хизматчилар реал иш ҳақини, деҳқонлар даромадларининг янада оширилишини та'минлайди. 1954 йилда давлат ҳисобидан аҳолига ҳархил енгилликлар бериш ва бошқа йўллар блан 146 миллиард сўм тўланди. Бизда уй-жой қурилиш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Урушдан кейинги даврда шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида жам'и 200 миллион квадрат метрдан ортиқ ҳажмда уй-жой ва бундан ташқари қишлоқ жойларида яна 4,5 миллион янги уйлар қурилди. Шифохоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари шохобчалари тобора кенгайтирилмоқда. Оғир индустрия тўхтовсиз ривожланиб, қишлоқ хўжалиги ҳам юксалиб борган сари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ортиб бормоқда. 1955 йилда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш 1950 йилдагига нисбатан 71 процент ортади. Бу эса бешинчи бешйиллиқ план топшириғидан ҳам ортиқдир.

Коммунистик партия совет жамиятининг ма'навий бойликларини кўпайтириш тўғрисида тинмай ҳамхўрлик қилиб, СССРда буюк маданий революцияни амалга оширди. Маданий революция амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз маданий қолоқликка, миллион-миллион меҳнаткашларнинг саводсизлигига абадий хотима берди, чинакам халқ интеллигенцияси, социалистик интеллигенциянинг кўп кадрларини вужудга келтирди, билимларнинг ҳамма соҳаларини юксалтиришда жуда катта муваффақиятларга эришди, миллионларча ишчи ва деҳқонларни сиёсий ҳаётда, маданий қурилишда актив қатнаштиришга муваффақ бўлди. Маданиятнинг ҳамма воситалари — китоб, газеталар, театр, радио, маданият саройлари, клублар ва шу сингарилар халқ ихтиёридадир.

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА СОВЕТ АРМИЯСИГА МОНУМЕНТ ОЧИЛДИ

ПРАГА, 4 апрель. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: Даргов тоғлари орқали ўтадиган энг баланд жойда кеча Совет Армиясига тантанали суратда Монумент очилди. Бу тоғлар районида Совет Армияси Шарқий Словакияни фашист оккупантлардан озод қилиш учун оғир жанглар олиб борган эди. Монументни тантанали суратда очиш вақтида республика президенти А. Запотоцкий бошчилигида Чехословакия Коммунистик партияси ва ҳукумат делегациясининг а'золари ҳозир бўлдилар.

Бу тантанага СССР элчиси Н. П. Фирюбин ҳам келди.

Монумент очилганлиги муносабати блан республика президенти А. Запотоцкий нутқ сўзлади.

Польша Халқ Республикаси сейминнинг сессияси

ВАРШАВА, 4 апрель. (ТАСС). Польша Халқ Республикаси сейминнинг сессияси икки ҳафталик танаффуслан кейин бугун Варшавада яна ўз ишини бошлади. Сессиянинг бугунги мажлисигача комиссиялар иш олиб бордилар. Бу комиссияларда 1955 йилги давлат бюджетининг проекти қараб чиқилди.

Мажлисда Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Александр Завадский, Министрлар Советининг раиси Юзеф Циранкевич, ҳукумат ва Давлат кенгашининг а'золари, министрлар, ҳозир бўлдилар.

Сессия сейм бюджет комиссиясининг республиканинг 1955 йилги давлат бюджети проекти тўғрисидаги докладини ва 1953 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тинглади. Шундан кейин, докладлар муҳокама қилинабошланди Музоқаларда сўзга чиққан депутатлар бюджет проекти Польшанинг халқ хўжалиги ва маданиятини янада ривожлантириш вазифаларини бажаришни, халқнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан Польша бирлашган ишчи партиясининг иккинчи с'езида белгиланган тадбирларни амалга оширишни кўзда тутганлигини та'кидладилар.

Болгарияда майолди мусобақаси

СОФИЯ, 4 апрель. (ТАСС). Болгария корхоналарида 1 Май шарафига социалистик мусобақа кенг қизиб кетди. Кўпгина фабрика ва заводларнинг коллективлари меҳнаткашларнинг халқаро байрамини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, ишлаб чиқариш планларини муддатидан илгари бажармоқдалар, меҳнат унумини оширмоқдалар ва маҳсулот таннархини пасайтирмоқдалар.

В. И. Ленин номидаги давлат металлургия заводининг коллективи шу кунларда зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқда. Завод коллективи биринчи квартал планини 121 процент бажарди. Металлургларнинг пўлат эритишни, прокат ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун курашни давом этдирмоқдалар.

Пловдив энергия бирлашмасининг энергетиклари ҳозирги вақтда май ойи ҳисобига ишламоқда. Бу бирлашма биринчи кварталда халқ хўжалигига пландан ташқари 15 миллион киловатт — соат электр қуввати берди.

Бургасдаги И. В. Сталин номли фабрикасининг, Г. М. Димитров номли кемасозлик заводининг ва бошқа кўпгина корхоналарнинг коллективлари майолди мусобақасида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Будапештда Венгрия озодлигининг ўнйиллиги байрам қилинди

БУДАПЕШТ, 4 апрель. (ТАСС). Бугун Венгрия пойтахти Будапешт байрам либосини кийди. Ҳаммаерда қизил байроқлар ва Венгриянинг миллий байроқлари, Маркс, Энгельс, Ленин, Сталининнинг, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми а'золарининг, Венгрия меҳнаткашлар партияси, бошқа мамлакатлардаги қардош коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарларининг портретлари, Венгрия Халқ Республикасининг 10 йил мобайнида эришган муваффақиятларини тасвирловчи плакат ва транспарантлар бор.

Венгрия халқи мамлакат Совет Армияси томонидан озод қилинган кунининг 10 йиллигини тантанали вазиятда нишонламоқда.

Шонли воқиа муносабати блан бугун Будапештдаги Сталин номли майонда Венгрия Халқ армияси қисмларининг паради бўлди. Соат 9 да Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитети биринчи секретари Матиас Ракоши бошчилигида партия Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг раиси Иштван Доби, Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматининг а'золари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов бошчилигидаги совет ҳукумат делегацияси, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа халқ демократияси мамлакатлари ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари ҳукумат минбарига чиқдилар.

Минбарларда Венгрия меҳнаткашлари вакилларидан 40 мингга яқин киши, дипломатия корпусининг а'золари, венгер ва четэл журналистлари ўтирибдилар.

Венгрия Халқ Республикаси мудофаа министри генерал полковник Иштван Бата Венгрия Халқ армиясининг майонда саф тортган қўшинларини айланиб чиқади ва уларни буюк миллий байрам блан табриклайди.

Иштван Бата Венгрия озодлигининг 10 йиллигига бағишлаб нутқ сўзлади. У, улуғ Совет Иттифоқи делегатларини, халқ демократияси мамлакатларининг ҳукумат делегацияларини ва Будапешт меҳнаткашларини Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий комитети номидан, Венгрия ҳукумати ва бутун венгер халқи номидан қизғин табриклади.

Мудофаа министрининг нутқидан кейин, парад бошланди. Венгрия Халқ армиясининг қисмлари, офицерлик ўқув юртларининг тингловчилари, пиёда аскарлар, отлиқлар, артиллерия, моторлаштирилган қисмлар ва танк қисмлари бирин-кетин майондан ўтдилар. Майдон устида самолётлар учиб ўтди.

Шундан кейин, намойиш бошланди. Пионерлар, ёшлар ва спортчилар колоннаси намойишни бошлаб бердилар. Улар кетидан пойтахт районларининг Венгрия озодлигининг 10 йиллиги шарафига ўтказилган меҳнат мусобақасида биринчиликни олган меҳнаткашлари ўтадилар.

Намойишчилар минбар ёнидан ўтганларида Венгрия меҳнаткашлар партияси ва Венгрия ҳукуматининг раҳбарларини, ўртоқ К. Е. Ворошилов бошчилигидаги совет ҳукумат делегациясини, халқ демократияси мамлакатлари делегатларини қизғин табриклайдилар.

Будапешт меҳнаткашларининг намойиши бирнеча соат давом этди. Бу намойишда бирнеча юз минг киши қатнашди.

Намойишдан кейин қоронғи кечгача пойтахт кўчаларида халқ сайиллари ўтказилди.

Афғонистон-Покистон муносабатларига доир

КОБИЛ, 4 апрель. (ТАСС). «Анис» газетаси Покистон ҳукуматининг янги тузилаётган бирлашган Ғарбий Покистон вилоятига пушту қабилалари яшайдиган районларни ҳам киритиш ниятида эканлиги муносабати блан Афғонистон бош министри Довуднинг баёнотига бағишланган бошмақоласида қуйидагиларни ёзади: «7 миллион кишидан иборат бўлган пушту халқи Пуштунистон тузишга мутлақо ҳақлидир ва ҳеч бир ҳукумат, ҳеч бир кимса ўз ҳукмронлигини зўравонлик блан улар устига ўрнатиши мумкин эмас. Ҳозирги вақтда Пуштунистон халқига зулм қилинмоқда. Пушту халқига қонуний ҳуқуқларни беришда уларга ёрдамлашиш афғонларнинг мўқаддас бурчидир». «Пуштунистонда ҳамманинг газаби мисли кўрилмаган даражага етди, — деб давом қилади газета. — Пуштунистондаги ҳарбир киши ўз озодлиги учун курашишга қат'ий бел боғлаган».

Кобил радиосининг берган хабарида айтилишича, Афғонистон полиция бош бошқармасининг тақиқлашига қарамай, 1 апрельда Афғонистоннинг кўпгина шаҳарларида ва қишлоқларида Покистон ҳукуматининг ҳаракатларига қарши норозилик намойишлари давом қилган.

Радионинг хабарида айтилишича, пушту қабилаларининг йўлбошчиси Абдулғаффорхон Покистон ҳукуматининг Пуштунистонни бирлашган вилоят составига қўшиб олиш тўғрисидаги қарори ўзбошимчалик блан чиқарилган қарордир, деб айтган. Пушту қабилаларининг тақдири тўғрисидаги масала, деган у, фақат пушту қабилаларининг ма'қуллаши блангина ҳал қилиниши мумкин.

ДЕҲЛИ, 4 апрель. (ТАСС). Деҳли радиосининг хабарида айтилишича, Афғонистоннинг Карачидаги элчихонаси баёнот э'лон қилган. Бу баёнотда бир группа оломончилар 1 апрельда Пешовурдаги афғон консульхонасига бостириб кириб, консульлик вазифасини бажаручи кишига ҳужум қилган. Улар қурол ўқталиб, пўлат сандиклардаги ҳужжатларни олганлар ва кўчага олиб чиқиб ёндирганлар. Бу ҳужум, дейилади баёнотда, Покистон ма'мурлари томонидан ташкил этилган ва улар ёллаган безорилар томонидан қилинган.

АНГЛИЯ БЛАН ИРОҚ ЎРТАСИДА ЯНГИ ШАРТНОМАНИНГ ИМЗОЛАНИШИ

ЛОНДОН, 4 апрель. (ТАСС). Рейтер агентлигининг билдиришича, бугун Бағдодда иттифоқ бўлиш ҳақида Англия блан Ироқ ўртасида тузилган янги шартнома имзоланган. Бу шартнома имзоланиши блан Англиянинг Туркия-Ироқ ғарбий пактига қўшилганлиги расмийлаштирилади ва иттифоқ бўлиш ҳақида 1930 йилда тузилган Англия-Ироқ шартномаси айни бир вақтда бекор қилинади.

Буерда олинган хабарлардан ма'лум бўлишича, Англия 1930 йилда тузилган ва тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномага мувофиқ фойдаланиб келган имтиёзларни ўз ихтиёрида сақлаб қолади. Жумладан, янги шартнома Хаббания ва Шайбадаги Ҳарбий-ҳаво базаларини Англия ихтиёрида қолдиради. Англия илгаригидек ҳозирда ҳам Ироқнинг қуролли кучларини тўла контроль қилиб туради.

СССРДА СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИ

(БОШИ ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ БЕТЛАРДА)

Бизнинг мамлакатимизда халқ маорифи ва олий та'лим кенг ривожланди. 57 миллиондан ортиқ киши та'лимнинг ҳархил турларига жалб этилди. 1954 йилда иш соатларидан кейин машғулот ўтказиладиган кечки ва сиртқи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, ишчи ва қишлоқ ёшларининг умумий ма'лумот берадиган мактабларида уч миллион киши ўқиди. КПСС XIX с'езининг қарорига мувофиқ, умумий ўнйиллик та'лимга ўтилиши муносабати блан ўтган йили ўрта мактабларнинг 8—10-нчи синфларида ўқучилар сони 1953 йилдагига нисбатан 756 минг кишига, шу жумладан қишлоқ жойларида 339 минг кишига ортди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати СССРдаги барча ишчи ва деҳқонларни маданий ва билимли кишилар қилишдан иборат буюк вазифани муваффақиятли суратда ҳал этмоқдалар. Совет ишчи ва деҳқонларининг маданияти, билими —социалистик жамиятда халқнинг энг қимматли мулкидир, СССР халқ хўжалигининг юксалишини та'мин этаётган муҳим шартларнинг биридир.

Бизнинг мамлакатимизда халқимизнинг коммунизм қуришига ёрдам бераётган фан мавж уриб юксалмоқда. Совет олимларининг буюк кашфиётлари натижасида атом энергиясидан моддий бойлик ишлаб чиқариш учун фойдаланиш вазифаси дун'ёда биринчи марта СССРда амалий тарзда ҳал этилди. Реактив техника, автоматика, телемеханика, радиотехника, химия ва шу сингарилар соҳасидаги кашфиётлар олимларимизнинг коммунистик қурилиш ишига қўшаётган буюк ҳиссасидир.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик совет маданияти коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашда жуда катта роль ўйнамоқда.

Совет кишилари моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг тўхтовсиз ўсаётганлиги — Коммунистик партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги натижасидир. Партиямизнинг социализм ва коммунизм учун олиб борган бутун кураш тарихи коммунистлар партияси меҳнаткашлар манфаатларининг энг изчил ва энг содиқ ифодачиси, кенг халқ оммасининг синалган сиёсий йўлбошчиси ва ташкилотчиси эканлигини яққол исбот этади. Партиянинг улуғ мақсадлари — бутун совет халқининг мақсадларидир. Ишчилар, колхозчилар, интеллигентлар партияга чексиз ишонадилар ва улар партиянинг мамлакатимизда коммунистик жамият қуришга, тинчликни ва халқлар ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган доно сиёсатини амалга ошириш учун фидокорлик блан курашмоқдалар.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги Совет давлати — коммунизм қуришнинг асосий қуролидир. Буржуа давлатлари ўз мамлакатларининг иқтисодиётини бошқараолмайдилар, социалистик давлатимиз эса халқ хўжалигини бошқариш ишини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини тарихда биринчи бўлиб ўз қўлига олди. Социалистик давлат жаҳон тарихида мисли кўрилмаган ана шу буюк вазифаларни муваффақиятли суратда бажармоқда. Совет давлати тинмай амалга ошираётган хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишлар блан тарихий жиҳатдан қисқа вақт ичида қудратли социалистик экономикани вужудга келтиришни, янги, совет маданиятини яшнатишни та'мин этди. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги остида коммунистик қурилиш соҳасида янгилан-янги муваффақиятларга эришмоқда.

* * *

Совет давлатининг социалистик қурилишни ҳимоя қилиш соҳасидаги энг бой тажрибаси халқаро миқёсда жуда катта аҳамиятга эгадир. Совет кишилари социалистик экономика ва маданий қурилиш соҳасидаги ўз муваффақиятлари блан бутун дун'ё меҳнаткашларига капитал сиқтомгини парчалаб ташлаган халқ қандай ишларни қила олажагини кўрсатмоқдалар.

В. И. Ленин, халқлар Россияни ўзига жазм этучи бир марказ деб қарашга ўрганадилар, деб башорат қилган эди. Улуғ Хитойнинг ва Европадаги халқ демократияси мамлакатларининг социализм қуриш йўлига ўтганлиги Ленининнинг бу гаплари жуда тўғри эканлигини исбот қилди. Халқ демократияси мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партиялар СССРнинг тажрибаларидан ижодий тарзда фойдаланмоқдалар, ўз халқларини социализмнинг шонли йўлидан зўр ишонч блан олга бошлаб бормоқдалар.

Жаҳон социалистик лагери ҳозирги вақтда 900 миллион аҳолиси бўлган 12 давлатни бирлаштиради. Бу давлатлар ўртасидаги муносабатлар тамомида тенглик, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, қардошларча ўзаро ёрдам ва ўртоқларча ҳамкорлик принципларига асосланади. Социалистик лагерьдаги мамлакатларнинг тинч ижодий меҳнат блан банд бўлган халқлари бутун дун'ёда тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқдалар. Улар уруш олови ёқувчи империалистларнинг атом бомбалари блан қилаётган таҳдидларидан ера кўрқмайдилар.

Жаҳон социалистик лагерининг муваффақиятлари, СССРда коммунизм қурилиши ва халқ демократияси мамлакатларида социализм қурилиши соҳасида эришилган муваффақиятлар капиталистик мамлакатлардаги прогрессив кучларни тинчлик, демократия ва социализм учун курашга илҳомлантирмоқда. Жамиятнинг эксплуататорларсиз, золимларсиз иш кўралиган эркин ҳаёт сари олга қараб қилаётган ҳаракатини тўхтатаоладиган кучлар дун'ёда йўқ.

Маркс — Энгельс — Ленин — Сталининнинг қудратли ва ғолиб байроғи халқларнинг социализм ва коммунизмга бориш йўлларини ёритиб турипти.

И. СМИРНОВ.

Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари конференциясига тайёргарлик кўруви комитетда

БЕРЛИН, 4 апрель. (ТАСС). АДН агентлиги билдиради: Лейпцигда Европа мамлакатлари меҳнаткашлари ва касаба союзлари вакиллари конференциясига тайёргарлик кўруви комитетнинг иккинчи мажлиси бўлди. Бу мажлисда комитетнинг доимий секретариатини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Комитет доимий секретариати составига Франция, Германия, Италия, Швеция, Польша ва Чехословакия вакиллари кирдилар.

Мажлисда конференциянинг кун тартиби ишлаб чиқилди. Герман милитаризмининг қайтадан тикланишига ва атом уруши тайёргарлигига қарши, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун, коллектив ҳавфсизлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун, тинчлик учун Европа меҳнаткашлари ва уларнинг касаба союзлари томонидан биргаликда олиб бориладиган кураш тўғрисидаги масала конференциянинг кун тартибидаги асосий масала бўлади.

Италия социалистик партиясининг с'езди тамом бўлди

РИМ, 4 апрель. (ТАСС). Туринда Италия социалистик партиясининг 31-нчи с'езди тамом бўлди. С'езднинг охирги мажлисида икки резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияларнинг бири партиянинг сиёсати тўғрисидаги ва иккинчиси Сицилия область мажлисига ўтказиладиган сайлов тўғрисидаги резолюциядир.

Партиянинг сиёсати тўғрисидаги резолюцияда Коммунистик партия блан ҳаракат бирлиги тўғрисидаги битимлар сра бузилмас битимлар эканлиги та'кидланади. Айни вақтда бу резолюцияда социалистик партия демократик ўзгаришларни ҳимоя қилиш учун, иқтисодий ва социал прогресс учун, тинчлик учун курашда католик оммаси блан яқинлашишга эришиш ниятида эканлиги ҳам кўрсатилади.

Резолюцияда ғарбий блоклар — Шимолий атлантик пакти ва «Ғарбий Европа иттифоқи» сиёсати кескин суратда қораланади ва социалистларнинг халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатиш ва барча халқлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш учун бутун кучлари блан курашишга қат'ий қарор берганликлари билдирилади.

С'езда Италия социалистик партияси Марказий комитетининг янги состави сайланди.

Бивен баёноти

ЛОНДОН, 4 апрель. (ТАСС). Рейтер агентлиги билдиради: Кеча Бивен Эббу-Вейлда (Монмутшир) ўз сайлов округи сайловчилари олдида нутқ сўзлади. Бивен ўнг лейборист раҳбарларнинг расмий йўлига, я'ни ҳукуматнинг атом қуроли блан зўр бериб қуролланиш ва Ғарбий Германияда милитаризмни қайтадан вужудга келтириш сиёсатини қўллаб-қувватлашдан иборат йўлга қарши чиққанлиги учун якинда лейбористлар партиясининг парламент фракциясидан чиқарилган эди. Бивен шуерда ҳозир бўлган кишиларнинг қарсаклари остида ўз позициясини яна бир марта та'кидлади. Партия раҳбарлиги Бивенни «кечирим» сўрашга мажбур этиш ниятида унга кўрсатган таз'йиқи муносабати блан Бивен бундай деди:

Мен тантанали суратда шуни айтаманки, шармандаларча жим туриш эвазига катта мансаблар олиб, муваффақият қозониш ниятида эмасман.

Бивен, бундан буён ҳам ўз нуқтаи назаримни қувватлашга тайёрман, деди.

Кеча лейбористлар партиясининг Эббу-Вейл ташкилотининг мажлиси ўтказилди. Бу мажлисда мазкур ташкилотнинг раҳбарлиги Бивенга ишонч билдиришни ёқлаб овоз берди.

Вашингтон Сигемицунинг АҚШга келишига рухсат бермади

ШАНХАЙ, 4 апрель. (ТАСС). Киодо Цусин агентлиги хабар беради: бугун Токиода расмий равишда э'лон қилинишига қараганда, Америка ҳукумати Япония ташқи ишлар министри Сигемицунинг Вашингтонга келишига рухсат бермаган, ҳолбуки Япония вакилининг АҚШга бориши ҳақидаги масалани Вашингтоннинг ўзи қўзғатгани ма'лумдир. Агентликнинг билдиришича, бош министр Хатояма АҚШнинг бундай жавоби муносабати блан Сигемицу блан кенгашгандан кейин баёнот бериб, Япония ҳукуматининг «ташқи ишлар министрини юбориш ҳақидаги ўз планидан воз кечишдан бошқа иложи йўқ» деган.

Покистонга Туркия-Ироқ пактига қўшилишни таклиф этмоқдалар

АНҚАРА, 4 апрель. (ТАСС). Анқара радиоси Туркия ташқи ишлар министрлигининг хабарига асосланиб қуйидагиларни билдиради: Туркия ва Ироқ ҳукуматлари Покистонга Туркия-Ироқ пактига қўшилишни таклиф этдилар. Туркия ва Ироқ элчиларининг 1 апрельда Покистон бош министрига топширган бирхил мазмундаги ноталарида шу тўғридаги таклиф баён қилинган.

Мексикада темир йўл ҳалокати

НЬЮ-ЙОРК, 4 апрель. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар беради: кеча Гваладахара яқинида (Мексика) 9 вагондан иборат бўлган ва Тинч океан соҳилига қараб кетаётган пассажир поезди 180 метр баландликдаги жойдан жарликка ағдарилиб тушган. Маҳаллий газеталарнинг ҳисобича, 300 киши ҳалок бўлган.

Тошкентда

Сталин номли маданият ва истироҳат парки (комсомол кўли)да ёзги мавсумнинг очилишига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳозир бу ерда турли хил гул кўчатлари ўтказилмоқда. Кўлга янги катер ва қайиқлар келтирилди. Пляжлар тартибга солиниб, ремонт қилинмоқда, болалар, темир йўли узайтирилмоқда. **Суратда:** Кўл атрофига дарахт кўчатлари ўтказилмоқда.

Р. Шамсутдинов фотоси.

Симфоник оркестр концерти

Меҳнат Қизил байроқ орденли Ўзбек Давлат филармонияси йирик музика коллективларини бирлаштиради. Филармониянинг симфоник оркестри (бадиий раҳбари республикада хизмат кўрсатган сан'ат арбоби А. Ф. Козловский) ўзбек халқини Ғарбий Европа композиторлари, рус классиклари ва Ўзбекистон Совет композиторларининг симфоник асарлари блан таништиришда катта хизмат қилмоқда. Ўзбек халқи бу профессионал коллектив ижросида ўнлаб гўзал симфоник асарларни эшитмоқда.

Яқинда бу коллектив пойтахт тамошабинларига жаҳон музика маданиятида муҳим ўрин тутган бирқанча асарларни эшитдирди. Отоқли немис композитори Моцартнинг «Фигаронинг тўйи», «Сиҳрли най» операсига ёзган увертюралари оркестр томонидан усталик блан ижро этилди.

Мендельсоннинг «Ёз кечасидаги туш» увертюраси ва композитор Вебернинг «Оберон» операсига ёзган увертюраси ҳам моҳирлик блан ижро этилди. Концертнинг иккинчи бўлимида гениал немис композитори Людвиг Ван Бетховеннинг оркестр блан фортепиано учун ёзган тўртинчи концерти ва «Учинчи Леонара» увертюраси ижро этилди.

Оркестр блан фортепиано учун ёзилган тўртинчи концертни Тошкент Давлат консерваториясининг дипломанти Юрий Фелицмант ижро этди. Юрий Фелицмант техника жиҳатдан анча мураккаб бўлган асарнинг моҳиятига тўғри тушунган ва машқ қилиши орқасида асарлари мураккаб жойларни ҳам енгиллик блан ижро этиш даражасига етган.

Симфоник оркестр концерти Бетховеннинг «Учинчи Леонара» увертюраси блан тугади. Бу концерт кўпсонли тамошабинларда катта таассурот қолдирди.

Мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг семинари

Область халқ маорифи бўлими мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг малакаларини ошириш юзасидан бешкунлик семинар ўтказмоқда.

Семинарга болалар боқчалари мудирлари ва тарбиячиларидан 50 киши қатнашмоқда. Семинар қатнашчилари учун «Болаларнинг жисмоний тарбияси», «Халқаро аҳвол тўғрисида», «Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун музика та'лими» ва бошқа темаларда лекциялар ўқилмоқда.

Лекцияларни ўқиш учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг тажрибали педагоглари ва методистлари жалб этилган.

Семинар қатнашчиларига назарий лекциялардан ташқари «Болаларга музика та'лими бериш методикаси», «Болалар боқчаларида ишни планлаштириш ва ташкил қилиш» каби бирқанча масалалар юзасидан амалий машғулотлар ҳам ўтказилади.

Семинар иштирокчилари областьда энг яхши болалар боқчаларидан ҳисобланган Оржоникидзе районидаги 1-нчи сон болалар боқчасининг иши блан танишадилар.

Театрларга маданий юришлар

«Ўзбексельмаш» заводининг завкоми ва комсомол ташкилоти ишчи ва хизматчиларнинг театрларга маданий юришларини тез-тез уюштириб туради. Яқинда ишчилар коллектив бўлиб М. Горький номидаги рус драм театри артистлари ижросида Арбузовнинг «Таня» номли спектаклини тамоша қилдилар. Шундан сўнг завод клубида ана шу спектакль юзасидан диспут ташкил қилинди. Диспутга инструменталь цехининг технологи Бутенко, экономист Бронова, конструктор Владимиров ва бошқа ўртоқлар қатнашдилар. Шундан кейин сўзга чиққан Қиргизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. Ефремова ва режиссёр Григорьев ўртоқлар ўзларининг ижодий планлари ва образлар устида қандай ишлар олиб бораётганликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Шахмат бўйича финал мусобақалар

Тошкентдаги 14-нчи мактаб биносида ёшларнинг шахмат бўйича финал мусобақалари бўлиб ўтди. Бундай мусобақа биринчи марта ўтказилди. Бунда пойтахт районларининг терма ёшлар командалари биринчилик учун курашдилар.

Мусобақанинг биринчи кунларидан бошлаб Куйбишев район командаси мусобақа лидери бўлиб келди ва ниҳоят ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни Москва район командаси ва учинчи ўринни Сталин район командаси эгаллади.

Мусобақада ҳаммаси бўлиб 91 киши қатнашди. Куйбишев район командаси составида иштирок этган Ўрта Осиё Политехника институтининг студентлари Шварцман, Шахтёр, Шамсиев ва бошқалар энг яхши натижаларга эришдилар.

—0—

СУД ЗАЛИДАН

Одилона ҳукм

Ҳеч қандай фойдали меҳнат қилмай безорилик блан шуғулланиб келаётган Б. Маҳкамов ва унинг шериклари шу йил 29 январь куни кеч соат 10 ларда «Родина» кинотеатри ичида маданий дам олиш учун келган гражданин К. М. Стигулевга ҳеч қандай сабабсиз тўсатдан пичоқ уриб яралаб қиладилар. Улар шу куни 12-нчи аптекага дори олиш учун келган гражданин Лапушернинг қўлидан сумкасини тортиб олмоқчи бўладилар. Лапушер уларга қаршилик кўрсатмоқчи бўлганда безори Маҳкамов ўзининг шериклари блан биргаликда унга ҳам пичоқ уриб яралаб қилади.

Шу йил 26 март куни Тошкент тоғ техникуми биносида Москва район 2-нчи бўлим халқ судининг намунали очиқ суд мажлиси бўлиб, безорилик блан шуғулланучи Б. Маҳкамов, Ш. Шермуҳамедов ва З. Зоҳидовларнинг жиноий ишлари кўриб чиқилди. Безорилар ўз қилмишларига иқрор бўлдилар. Халқ суди Маҳкамовни 17 йилга, Шермуҳамедов ва Зоҳидовларнинг ҳар бирини 15 йилланга ахлоқ тузатиш меҳнат лагерига ҳукм қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IV да **Қутлуғ қон**, 7/IV да **Бир севги афсонаси**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (театрнинг Беш'ёғочдаги янги биносида)— 6/IV да **Муқимий**, 7/IV да **концерт**.

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да янги рангли ҳужжатли фильм **Индонезия бўйлаб**.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 да **Индонезия бўйлаб**.

НАВОИЙ номли кинотеатрда — эрталаб соат 10 да **Кичкина Мукиннг тарихи**, кундуз соат 4 да ҳужжатли фильм **Дамашқдаги халқаро ярмарка**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечкурун: 1/ янги рангли бадиий фильм **Надежда**, 2/ ҳужжатли фильм **Ҳиндистонли меҳмонлар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун
РСФСРда хизмат кўрсатган артист
М. Н. Туганов раҳбарлигида
«ДОНДА» АТТРАКЦИОНИ
(чавандозлик-спорт тамошалари)
3 бўлимда янги программа.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб ҳужжатли фильм **Аргентиндан Мексикагача**.

1955 йил 9 **апрель** кеч соат 6 да, Тошкент область, Оржоникидзе район, Луначарский посёлкасининг кинотеатрида
Тошкент областидаги омонат кассаларида сақланаётган
ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРНИНГ 25-НЧИ ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ
ЎТКАЗИЛАДИ.
Тиражда ҳар мингта омонат дафтарчасига қуйидагича ютуқлар ўйналади: омонат дафтарчасида ярим йил мобайнида сақланган ўртача омонат суммасининг 200% ти миқдорида — 1 ютуқ, 100% ти миқдорида — 2 ютуқ, 50% ти миқдорида — 2 ютуқ ва 25% ти миқдорида 20 ютуқ ўйналади.
Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуш бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими —132, Хатлар бўлими — 132, Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими—38142.

Р. 02294. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1407.